O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

2000 йил 1 апрел шанба

Сотувда эркин нархда № 63 (2360)

Минтақавий семинар

ИЖРО НАЗОРАТИГА ЭЪТИБОР

Ургут туманида «Президент фармонлари ва ҳукумат қарорларининг бажарилиши юзасидан таъсирчан назорат ўрнатиш — назорат инспекциялари фаолиятининг асосидир» мавзусида вилоятлараро семинар-кенгаш ўтказилди.

Унда Қашқадарё, Сурхондарё, Жиззах, Бухоро, Навоий ва Самарқанд вилоятлари назорат идоралари вакиллари иштирок этишди. Семинар иштирокчилари туман ҳокимлиги, туман диагностика маркази, туман халқ таълими бўлими ва «Бободеҳқон» фермер хўжаликларида бўлишиб, ижтимоий-иқтисодий соҳаларда олиб борилаётган юмушлар кўлами билан танишдилар. Семинар-кенгашнинг якуний йиғилиши «ЎзБАТ» қўшма корхонасининг тумандаги тамаки ферментлаш заводида бўлиб ўтди.

Бунёдкорлик иншоотлари

АЖДОДЛАР ХОТИРАСИ МУҚАДДАС

Дунёда юрт озодлиги ва ҳуррият абадийлигини орзуламаган бирорта халқ топилмаса керак. Озодлик ва эркинлик туйғулари одамзотнинг қонида яшайди. Шунинг учун у Ватан, эл-юрт истиқлоли йўлида ўлимга ҳам тик боради. Тиз чўкиб яшагандан кўра тик туриб жон бермоқни афзал кўради.

Юрагида олам-олам орзулари билан кетган боболарим, элпарвар, миллатпарвар боболарим — Қодирий, Фитрат, Чўлпон, Усмон Носир, Зиё Саид... Бу рўйхат чўзилгани сайин кўнглимнинг кемтиклари, юрагимнинг жароҳатлари кенгайиб бораверади. Қаердан, кимдан, нимадан таскин топишимни билмай, ўз ёғимда ўзим қовриламан. Уларнинг бугунги ёруғ кунларни кўролмасдан кетганлари менга жуда алам қилади. Беихтиёр боғ яратиб, мевасидан тотиш насиб этмаган боғбон ҳақида ўйлайман. Ва дунё яралгандан бери фидойилик ҳам, сотқинлик ҳам юзага чиқмасдан қолмаётганидан енгил тортгандай бўламан. Одимларим ўз-ўзидан «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуи қурилиши томон бошлайди.

Юнусобод туманида ўтган биринчи умумхалқ ҳашарининг жўшқин руҳи қурилишда яққол сезилиб турибди. «Паркентсувқурилиш», «Шаҳарйўлқурилиштаъмир», «Санконструкция» ва «Ирригация» трестларининг ишчи-қурувчилари ғайрат-шижоат билан меҳнат қилмоқдалар. «Нуроний» жамғармаси Юнусобод тумани бўлими раиси Муқиддин Камолов бу ерга кунда бир келиб кетмаса кўнгли жойига тушмайди. Ҳашар куни ҳам 400 нафар тенгдоши билан хизматда бўлди. Куч-қуввати етадиганлари кўчат экди, ер чопди. Қолганлар эса ибратомуз гап-сўзлари билан ёшларга мадад бериб туришди. Муқиддин отанинг оғайниси, бир неча йиллар олийгоҳда ўқитувчи бўлиб ишлаган, ҳозирда нафақахўр, меҳнат фахрийси Ҳасан Матёқубов ҳам тиниб-тинчимас инсонлардан. Ер чопиш ёхуд текислаш ишлари оғирлик қиладиган бу одам, барибир, қурилишга ҳисса қўшишга аҳд қилган. У ёдгорлик атрофидаги маҳаллаларда бўлиб, қариялар билан суҳбатлашиб, шаҳид кетган боболар ҳақида эсдаликлар, хотиралар ёзиб олмоқда.

Бир куни у киши Отчопар маҳалласига кетаяпман, вақтингиз бўлса юринг, дея менга қўнғироқ қилиб қолди. Икковлашиб Ориф Бухорий масжидидан мўйсафидларнинг пешин намози ўқиб чиқишини кутиб турдик. Жуда кўп нарса билади, деб бизга Турсунбой ҳожи Турғуновни рўбарў қилишди. Ҳожи ота вазминлик билан сўз бошлади:

— Мен шу маҳаллада 1946 йилдан бери яшайман. Ёдгорлик қурилаётган жойлар авваллари дала эди. Биз у ерларда мол боқардик. Кейинчалик Бўзсувда электростанция қурилди. Маҳбусларни пиёда аскарлар қўриқлаб келишарди. Айримлари трамвайга чиқиб қочишга уринарди. 64-автожамланмада ҳайдовчи бўлиб ишлаганимда ғишт заводи учун тупроқ таширдик. Бир кун қарасам, тупроқ юклайдиган экскаватор бир замбил одам суягини йиғиб қўйибди. Одам суяги чиримас экан, ҳатто бир пой оёқ суяги маҳси-калиши билан худди янгидай турганини кўрганман. Суяклар қаттиқ бўлганидан транспортёр ленталарини йиртиб юборарди.

Ҳозирги темирйўл бўйлаб Чимкент темир йўли устига қурилаётган иккита иморат орасида катта тепалик бўларди. Ана шу тепалик тагидан ғор қазилган. Узунлиги 20 метрлар бўлган бу ғорда маҳбуслар отиб ташланарди. Ўқ овози эшитилиши билан кексалар яна бир инсон бу дунёдан кетди, дея тиловат қилишарди.

Бундан бир неча йиллар муқаддам Усмон ота билан бирга «Алвасти кўприк»ва Чимкент йўлининг эски ўзанини топган эдик. Афсуски, улар бузилиб, теп-текис бўлиб кетган, темирйўл бўйлаб Новгородский кўчаси жойлашган экан. Ҳозирда бу кўча ҳам йўқ.

«Шаҳидлар майдони» ёдгорлик мажмуи қурилаётганини эшитиб ўзимда йўқ қувондим. Бу ерда шаҳид бўлганлар руҳи мендан-да қувонгани, шубҳасиз. Ҳашар куни қурилишга бориб, у ердаги бунёдкорликларни кўриб, Президентимиз ва ҳукуматимизга тасаннолар дедим. Юртимизда ҳамма вақт тинчлик ва осойишталик ҳукм сураверсин. Юртбошимизнинг умри узоқ бўлсин.

Г. ЙЎЛДОШЕВА,
Н. МУҲАММАДЖОНОВ
(суратлар муаллифи),
«Халқ сўзи» мухбирлари.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИДА

Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) қошидаги Инсоннинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига риоя қилиш бўйича комиссия ҳамда парламентнинг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитасининг қўшма мажлиси бўлди.

Мажлисда 1997 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия Кодексининг турли муддатларга озодликдан маҳрум этилганларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш борасидаги талабларига риоя этиш масаласи ҳамда бошқа муҳим муаммолар кўриб чиқилди.

Мажлисда Комиссия ва Олий Мажлис Қўмиталари аъзолари, вазирликлар ва идораларнинг, суд тизими, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, инсон ҳуқуқлари бўйича миллий муассасалар ва яна бир қанча ноҳукумат ташкилотлари вакиллари иштирок этди.

Маърузаларда қайд этилганидек, мамлакатимизда жазо муддатини ўтаётган шахсларга тегишли шарт-шароит яратиш, уларни тарбиялаш, меҳнат қилиш ва билим олиш ҳуқуқини таъминлаш, жазо муддатини ўташ жойларидан озод этилганидан сўнг ижтимоий фойдали меҳнатга жалб этиш ва мослашишга кўмаклашиш борасида жиддий ишлар амалга оширилмоқда.

Мажлисда вояга етмаган жиноятчиларга тиббий хизмат кўрсатиш, уларни меҳнатга жалб этиш ва ўқитиш масалаларига жиддий эътибор қаратилди. Бу – Ўзбекистонда Соғлом авлод йили деб эълон қилинган йилда алоҳида аҳамият касб этади.

Мунозаралар пайтида сўзга чиққанлар амалдаги қонунчиликни ҳуқуқни муҳофаза қилиш тизими ходимларининг ҳам, жазо муддатини ўтаётган шахсларнинг ҳам ҳуқуқларини халқаро стандартлар меъёрларига яқинлаштирган ҳолда таъминлашга ёрдам берувчи моддалар билан тўлдириш, шунингдек, давлатимизнинг халқаро ҳамжамият олдида жазо муддатини ўтаётганлар ҳуқуқини таъминлаш бўйича олган мажбуриятини бажариш зарурлигини қайд этди.

Омбудсман фаолияти хусусида алоҳида тўхталиб ўтилди. Ҳаёт "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) тўғрисида"ги Қонуни такомиллаштирилиши лозимлигини тақозо этмоқда. Амалдаги қонунчиликка Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилнинг ҳуқуқий мақомини кучайтириш, унинг судлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан фуқаролар аризалари ва шикоятларини кўриб чиқиш масалалари бўйича ҳамкорлик қилиш усулларини аниқлаштириш бўйича қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида таклиф қабул қилинди.

(ЎзА).

БАНК – ИСЛОҲОТЛАРНИНГ АСОСИЙ БЎҒИНИ

Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлигида "Банк тизимини эркинлаштириш ва ислоҳ қилишга доир чора-тадбирлар" мавзусида иш бошлаган икки кунлик республика амалий конференциясида мамлакат банк тизими муассасалари фаолияти самарадорлигини ошириш йўллари ҳамда услублари муҳокама этилади. Уни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Б.Ҳамидов бошқармоқда.

Конференцияда умумиқтисодиёт мажмуи таркибига кирувчи идоралар ва уларнинг вилоят бўлимлари, манфаатдор вазирликлар, Марказий банк ва тижорат банклари, маҳаллий ҳокимият органлари раҳбарлари, шунингдек, тадбиркорлар, халқаро молия ташкилотлари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этмоқда.

Конференцияда мамлакатдаги ислоҳотларнинг боришини кўп жиҳатдан банк тизимидаги ислоҳотларнинг муваффақияти белгилаши қайд этилди. Банк тизимининг ривожланиши асосий мақсади республика иқтисодиётида хусусий тадбиркорликнинг тутган ўрни ва аҳамиятини оширишдан иборат бўлган бозор ислоҳотлари ўзанида бориши лозим. Шунинг учун конференцияда банклар ва тадбиркорлар ўртасидаги муносабатларга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Конференцияда кичик ва ўрта бизнес субъектлари, деҳқон ва фермер хўжаликларини ҳуқуқий ҳимоялашни таъминлаш масалалари ҳам муҳокама қилинди. Бу борада амалга оширилган ишлар тўғрисида Адлия вазирининг биринчи ўринбосари Ғ.Раҳимов маъруза қилди. Давлат солиқ қўмитаси раисининг ўринбосари Э.Гадоев эса бошқа муҳим мавзу – тадбиркорликни рағбатлантирувчи солиқ сиёсатини амалга оширишда тижорат банклари ва солиқ органларининг имкониятлари ҳамда биргаликдаги фаолият механизмларига эътиборни қаратди.

Таъкидлаш жоизки, конференциянинг асосий мақсади банк тизимидаги ислоҳотларни янада чуқурлаштириш учун қилиниши лозим бўлган долзарб вазифалар тўғрисида турли соҳа мутахассисларининг таклифларини тўплашдан иборат. Шунинг учун асосий вақт иштирокчиларнинг ўзаро фикр алмашиши, уларнинг банклар фаолиятини барча йўналишлар бўйича янада ривожлантириш учун биринчи навбатда қилиниши лозим бўлган ишлар тўғрисидаги фикрларини тинглашга ажратилди.

(ЎзА).

Фарғонада Республика "Маънавият ва маърифат" маркази ташаббуси билан "Миллий ғоя ва миллий мафкура – келажак йўли" мавзуида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

АМАЛИЙ АНЖУМАН

Унда сўзга чиққанлар ёшлар онгида миллий ғоя ва мафкурани шакллантириш ишларини янада кучайтириш, диний экстремизмга қарши кураш, жаҳолатга қарши маърифат билан курашда жамоатчилик олдида турган вазифалар борасида ўз фикр-мулоҳазаларини баён қилди.

Анжуман қатнашчилари вилоятнинг Олтиариқ, Фарғона туманлари ва Қувасой шаҳрида бўлиб, маҳаллаларда, жамоат ташкилотларида маънавият ва маърифат йўналишида амалга оширилаётган ишлар билан танишди.

Р. КАМОЛОВ,
ЎзА мухбири.

КОРХОНА БИР ЙИЛ ИШЛАДИМИ Ё БИР КУН...

Сурхондарёда ислоҳотларни чуқурлаштиришда оксоқликка йўл қўйилаяпти. Қишлоқ хўжалигида, саноатда, бошқа тармоқ ва соҳалардаги бундай қамчиликлар вилоят тараққиётига салбий таъсир кўрсатаяпти. Бу ҳақда Юртбошимиз якинда бўлиб ўтган вилоят кенгаши сессиясида қуюниб гапирдилар, муаммолар ечимини топиш йўлларини кўрсатиб бердилар.

Вилоятда қишлоқ хўжалигида бўлгани каби саноатдаги аҳвол ҳам бозор иқтисодиёти талабларига жавоб бермайди. Бу Термиз гўшт қабул қилиш, қайта ишлаш ва сотиш ҳиссадорлик жамияти иш фаолиятида ҳам яққол кўринади. Корхона 1999 йилда 19 тонна гўшт ишлаб чиқарди. Ваҳоланки корхона шунча маҳсулотни бир кунда тайёрлаш қувватига эга. Бундан бир неча йил аввал йилига 24-25 минг тонналаб гўшт тайёрлаган ва уни қайта ишлаган корхона ҳали ҳамон шаҳар ўртасидан 7 гектар ерни эгаллаб, жойида турибди: дарвозалари чиройли ғиштлардан нақшинкор қилиб терилган. Идорасининг пойгакларига мармар, раҳбарларнинг кабинетларига қалин гиламлар тўшалган. Лекин идорадан тортиб каттакон цехлару, ҳовлиларга кирган одамнинг кўнглини хит қиладиган, юракни қисадиган жимжитлик. Асосий воситалар етарли. Ҳаммаси – замонавий. Мулк, технология, имконият бор. Фақат...

– Фақат хомашё йўқ. Молчорва йўқ, – дейди жамият раисининг муовини Боймурод Элмуродов. – Мол етказиб бериш бўйича чорвадор хўжаликлари, фермерларга шартнома таклиф қиламиз. Таклифимизни қабул қилай деган одам топилмайди. Чунки чорвадор тўғриси, молини бизга топширгандан кўра бозорга чиқариб, нақд пулга сотишни афзал билади.

– Тўлов салоҳиятларингиз паст бўлгани учун мижозлар сизга қўлини чўзишмаётгандир-да, – деб муовиндан сўрайман.

У елка қисди. Қўлида иқтисодий кўрсаткичлар йўқлигини, кўрсаткичларнинг ҳаммасини жамият раиси билан бош бухгалтер Тошкентга олиб кетишганини (қаранг, 2 арава гўшт ишлаб чиқарадилару, шу ҳақда яна Тошкентга бориб ҳисобот берадилар) айтди.

Начора. Бизни қизиқтириб турган айрим рақамларни билиб олмоқ учун Термиз шаҳар солиқ назорати идорасининг ҳисоблаш бўлими эшигини қоқдик ва бўлим бошлиғи Собир Раҳмонқуловдан қуйидагиларни ёзиб олдик: бир йилда корхона 13 миллион 867 минг сўм (ҳозирги нархларда) даромад олган. Мулк учун 964 минг сўм, ер учун 893 минг сўм солиқ тўлаган. Жамиятнинг оёғини қалтиратиб турган нарса бизнингча, 5 миллион сўмдан кўпроқ дебитор қарзларнинг борлигидир. Жамият раҳбарларининг шу қарзларни ундириб ва лозим бўлса банкдан кредит олиб мижозларни ўзларига жалб қилиш имкониятлари бор. Лекин улар бунга бефарқ қараётирлар.

– Гапирсам – тилим, гапирмасам – дилим куяди, – дейди колбаса цехининг ўзини Мусурмонқул Айматов, деб таништирган ишчиси. – Цехимизда кунига 5 тонна колбаса, сосиска пиширишимиз мумкин. Йўқ. Бир йил давомида пиширганимиз бор-йўғи 24 тонна бўлибди. Тижоратчилар колбасани қанорлаб Тошкентдан ташишади. Сиз кўриб турган ва 1990 йили олиб келиб ўрнатилган мана бу Голландиянинг машиналари бўлса, занглаб, моғор босиб бекор ётади. Бола-чақа кўп. Маош қам, иш йўқ, бир замонлар 400 одам ишлайдиган шу корхонада ҳозир ишлаётганлар 40 тага етмайди. Ахир... Ахир Президентимизнинг гапларини нимага эшитмайдилар. Қулоқлари шунчалар қотиб қолганми, одамларимизнинг...

Ўткир тиг остида

Дарвоқе, гўшт комбинати ҳозир «Сурхонгўштсутсаноатсавдо» акционерлик компанияси тасарруфида экан. Компания раисининг муовини Даврон Ҳайдаров ҳам Боймурод Элмуродовнинг гапларини такрорлайди. Раис ва бош бухгалтер Тошкентга кетишган. Асосий кўрсаткичлар уларнинг қўлида эди. Мен бирон нарса дея олмайман...

Компаниянинг маҳсулотни қайта ишлаш бўйича мутахассиси Шавкат Шожалиловга раҳмат. Хайриятки, у кишининг қўлида «у-бу» рақамлар бор экан.

– Компаниямизга Ангор, Жарқўрғон, Музработ, Денов туманларидаги чорвачилик ҳиссадорлик жамиятлари, Сариосиё, Узун, Бандихон, Бойсун, Қумқўрғон туманларидаги мол тайёрлов идоралари, 2 та сутни қайта ишлаш заводи, Учқизил ва Ҳаким Эшонов номли жамоа хўжаликлари қарайди, – дейди Шожалилов. – Менимча, шу жойларда 14 минг бошдан зиёд қорамол боқилаётган бўлса керак. 1999 йилда қассоблар уюшмаси билан ҳамкорлигимизни қўшиб ҳисоблаганимизда 1597 тонна гўшт, 1757 тонна сут маҳсулотларини ишлаб чиқарганмиз.

Қассоблар уюшмаси Шожалиловнинг айтишича, ўзлари бозордан харид қилган чорва молини сўйиб, гўштини яна бозорга чиқариб сотади. Улар сотган гўшт компания маълумотига киритилади. Яъни, шу йўл билан маълумот «семиртирилади». Гўшт «кўпайтирилади». Компаниянинг ўзи бўлса Шожалиловнинг яна қоғозларга синчиклаб қараб айтишича, бевосита олганда 1999 йилда 236 тонна гўшт ишлаб чиқарган. Қаранг, тасарруфларидаги чорвачилик жамоалари сонию, салмоғи олам жаҳон. Эришган натижалари... Шунинг учун ҳам яна бош бухгалтер Тошкентда сарсон. Ушбу йирик компания таъсис этилганига икки ярим йил бўлаяптики, қассоблар уюшмасини тузишдан ҳам бўлак на ташаббус, на ибратли иш билан ўзини кўрсатди, деган савол туғилади.

Денов туманининг Амир Темур номли хўжалигида «Лочин» деган фермер хўжалиги бор. Унинг бошлиғи Аҳмад фермер (Нарзуллаев) 900 бош қорамол боқаяпти. Орол қишлоғига у 400 йилги ҳашаматли янги мактаб қуриб берди. Бутун бир компания бир йилда ишлаб чиқарган гўштни бугунги кунда битта Аҳмад фермернинг ўзи тайёрлашим мумкин, деб бел боғлаб турибди. «Сурхонгўштсутсаноатсавдо» компанияси ихтиёридаги энг илғор технология билан жиҳозланган гўшт комбинатини обод қилолмаса, Аҳмад фермерга ўхшаганларга қўшқўллаб топширсин, дегимиз келади. Ахир Алининг майдони дейдилар буни.

Термиз шаҳрида давлат таъминотидаги муассасаларга гўшт ва сут маҳсулотлари етказиб берадиган очиқ турдаги «Гўштсутсавдо» акционерлик жамияти бор. Шу жамият раиси Омон Жўрақуловнинг бир гапини мақоламизга илова қилиб ишлатамиз: – Биз аввал Термиз гўшт комбинатида тайёрланган маҳсулотни қабул қилиб олиб, Тошкентга йилига 5-6 минг тонна гўшт жўнатар эдик. Ҳозир бўлса Тошкентдан йилига 1,5 минг тоннагача гўшт ташиб келаяпмиз, – дейди у.

Бу гап чорвачилик билан шуғулланаётган раҳбарларни ўз ишлари ҳақида жиддий ўйлаб кўришга ундамоғи лозим.

Олимжон УСАНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ХАЛҚАРО БИЗНЕС МАРКАЗИ ОЧИЛДИ

Пойтахтимизда Халқаро бизнес маркази иш бошлади. Марказнинг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси ҳукумати вакиллари, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган хорижий давлатлар дипломатия ваколатхоналари раҳбарлари ҳамда ишбилармонлар иштирок этди.

Ўн етти қаватли марказ биносининг умумий майдони 60 минг квадрат метрдан иборат бўлиб, уни Туркиянинг "Ай-Сел" компанияси қурувчилари ўзбекистонлик шериклари билан ҳамкорликда бунёд этган. Бинода ишбилармонлар фаолият кўрсатиши учун барча шарт-шароит, жумладан, 300 кишилик конференциялар зали, сайёҳлик агентлиги, музокара заллари, тез ва сифатли коммуникация алоқаларини таъминлайдиган жиҳозлар ҳамда дам оладиган хоналар мавжуд.

(ЎзА).

Диққат: бевосита мулоқот

АЛЛО, СИЗНИ ВАЗИР ЭШИТАДИ!

Муҳтарам газетхон! Шу йил 6 апрелда соат 10.00 дан 12.00 гача «Халқ сўзи» — «Народное слово» газетхонлари учун Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири Феруз Гофурович НАЗИРОВ телефон орқали мулоқот соатлари ўтказади.

Агар соғлиқни сақлаш масалалари билан боғлиқ саволларингизга шахсан вазирдан жавоб олмоқчи бўлсангиз, ўша куни, қуйидаги рақамли телефонларга қўнғироқ қилинг:

(8-371) 144-10-33 ёки
(8-3712) 41-16-80.

Айни пайтда вазирга берилажак саволларни олдиндан етказмоқчи бўлсангиз, иш кунлари соат 9.00 дан кеч соат 18.00 гача бевосита таҳририятимизга факс орқали (8-371) 133-09-85 га йўллашингиз ёки (8-371) 132-12-08 рақамли телефон орқали оғзаки тарзда баён этишингиз ҳам мумкин.

Бевосита мулоқотга марҳамат!

«Халқ сўзи»га жавоб берадилар

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ:

ТАНҚИД КОР ҚИЛДИ

Газетамизнинг шу йил 26 феврал сонида «Аччик ҳакиқат» рукни остида «Кечаги гапни қўйинг...» сарлавҳали мақолада Тошкент вилоятида хорижий сармояларнинг киритилишига локайдлик билан муносабатда бўлинаётганлиги, мазкур масалага мутасадди бўлган мансабдор шахслар мухбиримизга тайинли жавоб беришолмагани танқид қилинган эди.

Куни кеча ушбу чиқиш бўйича Тошкент вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Х. Асатов имзоси билан қуйидаги жавоб олинди.

Мақола Тошкент вилояти ҳокимлигида мутасадди ташкилот ва корхоналар раҳбарлари иштирокида атрофлича ва чуқур таҳлил қилинди. Ҳақиқатдан ҳам, Италиянинг «Фата Груп» компанияси билан ҳамкорликда вилоят агросаноат мажмуини ривожлантиришга қаратилган Дастурнинг бажарилиши борасида қатор хато ва камчиликларга йўл қўйилган. 1997 йилнинг 17 сентябрида «Фата Груп» компанияси ва вилоят ҳокимлиги ўртасида Меморандумга имзо чекилган бўлиб, ушбу Меморандум шартларига асосан вилоятдаги қатор хўжаликлар ва таъсисчилар иштирокида Дастур ишини мувофиқлаштирувчи «Агросаноаттехника» уюшмаси ташкил этилган эди. Лекин мазкур уюшма томонидан амалга оширилган ишлар етарли бўлмади.

Италиянинг «Фата Груп» компанияси вилоят иқтисодиётига ўз сармоясини киритишга уринишларига қарамай, жойлардаги айрим мутасадди ташкилотлар уларга нисбатан бефарқ муносабатда бўлган, бу лоқайдлик Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 11 февралдаги мажлисида ҳақли равишда танқид қилинди.

«Халқ сўзи» газетасида ёритилган бу танқидий мақолада кўрсатилган хато ва камчиликларни бартараф қилиш ва Италиянинг «Фата Груп» компанияси билан ҳамкорликда амалга оширилаётган агросаноат мажмуини ривожлантириш дастурини бажариш ҳамда унинг тўлақонли ижросини таъминлаш мақсадида, Тошкент вилояти ҳокимлиги 2000 йил 9 март куни махсус қарор қабул қилди. Ушбу қарорга биноан, Италиянинг «Фата Груп» компанияси билан ҳамкорликда амалга оширилиши лозим бўлган ишларни жадаллаштириш бўйича вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари – қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғи Р.Холматов бошчилигида ишчи гуруҳи тузилди. «Агросаноаттехника» уюшмасининг йўл қўйган камчиликлари туфайли унинг келажакдаги фаолияти мақсадга мувофиқ эмас, деб топилди. «Ўзмевасабзавотузумсаноатлойиҳа» институти томонидан мазкур компания билан ҳамкорлик қилмоқчи бўлган хўжалик ва корхоналарнинг молиявий аҳволи ўрганилиб, техник-иқтисодий асослари ишлаб чиқилди. «Фата Груп» компанияси билан ҳамкорлик қилмоқчи бўлган хўжаликларнинг қўшимча инвестиция лойиҳалари ҳам ишлаб чиқилди, лойиҳа Вазирлар Маҳкамасига тақдим этилди.

Жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг инвестиция дастурлари департаменти томонидан «Тошкент вилояти «Қибрай» ширкатлар хўжалигида мевалар шарбатини ишлаб чиқаришни ташкил қилиш» лойиҳаси бўйича техник-иқтисодий асослари, экспертиза қилиниши учун тегишли вазирлик ва идораларга 2000 йил 23 март куни юборилди ва ҳоказо.

Вилоятда агросаноат мажмуини италиялик инвесторлар иштирокида ривожлантириш масаласи 2000 йил 22 феврал куни Молия вазирлигида ва бир неча бор Вазирлар Маҳкамаси Инвестиция дастурлари департаментида, республика Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлигида ҳамда вилоят ҳокимлигида муҳокама қилиниб, аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.

Музокаларда «Фата Груп» фирмасининг МДҲ мамлакатлари бўйича президенти жаноб Микеле Тринча ҳам иштирок этди. Италиянинг «Фата Груп» компанияси ҳамкорлигида қайта ишлаб чиқариладиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг умумий ҳажмидан 35 фоизини чет элларга экспорт қилинишига кўмаклашишга кафолат бермоқда. «Фата Груп» компанияси билан ҳамкорликда амалга оширилиши керак бўлган айрим масалалар ҳам вилоят ҳокимлигида босқичма-босқич ўз ечимини топмоқда. Агросаноат мажмуини ривожлантиришга тааллуқли барча муҳим ва муаммовий масалалар вилоят ҳокими ҳузурида кўриб чиқилмоқда.

«Тошкент вилоятида агросаноат мажмуини ривожлантириш бўйича Италиянинг «Фата Груп» компанияси билан ҳамкорлик Дастури» ҳақида қарор лойиҳаси мутасадди вазирлик ва идоралар билан келишилган ҳолда ишлаб чиқилиб, Вазирлар Маҳкамасига тақдим этилди.

Маълумки, жорий йил бошида таҳририятимиз газетхонларга ўз ижодий режалари ҳақида ҳисоб берганда, Қорақалпоғистон Республикаси раҳбарлари, вилоятлар ҳокимлари кундалик фаолиятини ёритиш мақсадида «ҲОКИМНИНГ БИР КУНИ» рукни остида мақолалар чоп этишни кўзда тутган эди. Мухбирларимиз йилнинг дастлабки чораги якунланаётган кунларда бир қатор вилоятларнинг ҳокимлари иш фаолияти тўғрисида туркум мақолалар тайёрлашди. Ана шу мавзудаги илк чиқиш Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раисининг бир кунлик фаолияти хусусида.

Тимур КАМОЛОВ:

«МАҚСАДИМИЗ – ТУРМУШ ФАРОВОН, ЮРТ ОБОД БЎЛСИН!»

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раисининг иш куни тўлалигича инсон манфаатлари, иқтисодий ислоҳотлар бўйича режалар ижросига бағишланди

Баҳорнинг илк кунларида эрталаб соат саккиз бўлар-бўлмас, Қорақалпоғистон парламенти жойлашган бинога етиб борганимда Жўғорғи Кенгес Раиси Тимур Камоловни иш жойида учратдим. Дарвоқе, бундан олдин ҳам Раснинг ишга ҳаммадан илгари келишини эшитган эдим.

Салом-аликдан сўнг хона соҳиби:

— Эрта тонгдан маълумотлар билан танишиб ўтирганимга ажабланманг. Бу рақамларда бутун бошли республика иқтисодиётининг томир уриши, юрак зарблари шундоқ кўриниб туради, — деди. Сўнгра сўзини давом эттирди: — Қорақалпоғистон макроиқтисодиёти олдида муҳим вазифалар турибди. Ҳали қанча эришилмаган марралар, эгалланмаган довонлар, «очилмаган кўриқлар» бор. Айни пайтда ишимизда маълум даражада «муз кўчгани» ҳам рост. 1999 йилда 1998 йилга қараганда ялпи ички маҳсулот 5,1 фоизга, қишлоқ хўжалик маҳсулоти 18,4 фоизга, пахта ҳосили 40 минг тоннага, шоли 43 минг тоннага ўсди. Ўтган йили 1998 йилга нисбатан 19078 тонна кўп буғдой сотиб, биринчи марта шартнома режасини бажаришга муваффақ бўлдик. Лекин халқ хўжалигининг аксарият соҳаларида биздан талаб этилаётган ва ўзимиз кўзлаган марраларга эришолмаганимизни очиқ-ойдин тан оламиз. Гектаридан 13 центнердан пахта, 17 центнердан шоли олиб, туб иқтисодий ўзгаришга эришиш қийин кечишини ҳис қилиб турибмиз!

— Хўш, ана шу ҳолатдан чиқишнинг аниқ йўриғи борми?

— Бор. Боргина эмас, бу йўлда дастлабки қадамларни қўйишга ҳам муваффақ бўлдик. Биз иқтисодиётга идорадан туриб раҳбарлик қилиш, телефон орқали мувофиқлаштириш-дек бир ёқлама амалиётдан воз кечдик. Ҳар ойда ҳукумат аъзолари, вазирлик ва идораларнинг етакчилари, шаҳар ва туман ҳокимлари, тармоқ мутасаддилари иштирокида ислоҳотларнинг бориши билан жойларнинг ўзида танишиб, муҳокама ва таҳлил қиляпмиз. Яқинда Тўрткўл туманига сафаримизда ўзингиз ҳам иштирок этдингиз. Қўриқ Ёнбошқалъа мавзеси муаммолари бўйича атрофлича кенгашиб олинди, у ерда «Тадбиркорбанк»нинг шохобчаси очилди. Энди қўриқдаги тадбиркорлар саксон километр йўл босиб, туман марказига бориб юришмайди. Ўша жойда ёшларга замонавий нон-войхона ҳам барпо этдик. Ҳаммани тўйга етказсин. Бизда тўйлар учун жуда кўп нон ёпилади. Худди шу жойда никоҳ тўйлари, бошқа қувончли кунлар ўтказиладиган «Ёшлар уйи»нинг калитини топширдик. У билан ёнма-ён қариялар чойхонаси очилди. Ислоҳотлар инсон учун хизмат қила бошладими? Бошлади. Ўрни келганда мен ҳам сизга савол бersам майлими?!

— Бажонидил.

— Кейинги пайтларда сиз, мухбирлар хўжалик раисларини қаердан излаб топяпсизлар?

— Кўпроқ хўжаликнинг техника-таъмирлаш устахонасидан!

— Айнан шундай! Қорақалпоғистондаги ҳар бир хўжалик раиси ўзига ўша жамоанинг техника-таъмирлаш устахонасидан хизмат кабинети жиҳозлаб олган. Устахона алоқа воситалари билан таъминланган. Механизаторларга мумкин қадар барча шарт-шароитни яратиб беришга ҳаракат қилмоқдамиз. Техника кўп нарсани ҳал қилади. Яширишнинг кераги йўқ: ўтган йили пахта, шоли ҳосилининг бир қисми далада қолиб кетди. Йил якуни натижаларидан тегишли хулосалар чиқариб олдик.

Жорий йил бутун иқтисодиётимиз, шу жумладан, қишлоқ хўжалигида ўсиш-ўзгаришлар йили бўлади. Бундай дейишимга тўла асослар бор. Президентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримов 1999 йилнинг 2 декабр куни Нукусда бўлганларида иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш юзасидан қимматли маслаҳатлар берган эдилар. Шунга кўра, ғўза майдонларимиз 20 минг гектарга қисқартирилиб, шоли майдонлари 25 минг гектарга кўпайтирилди. Демак, бу йилда 125 минг гектар ерга чигит, 113500 гектар ерга шоли экамиз. 28 минг гектар кузги галлазорнинг асосий қисмида юқори ҳосил олиниши кутилмоқда. Ҳозир бутун эътибор баҳорги дала ишларини уюшқоқлик билан ташкил этишга қаратилган!

Шу пайт телефон жиринглади. Қўнғироқ қилган кишига Қўнғирот сода заводи қурилиши юзасидан бир қанча кўрсатмалар берилди. Сўнг шундай изоҳни эшитдик:

— Вазирлар Кенгеси Раисининг ўринбосари Жўлосбой Суюнов сода заводи қурилишига жўнаб кетяпти. Жойнинг ўзида йиғилиш ўтказади. Биз эса иш кунини Жўқорғи Кенгес Раёсати йиғилишини ўтказишдан бошлаймиз. Унда кўпчиликни қизиқтирадиган қатор масалалар кўрилади, — деб ёрдамчиси ҳозиргина олиб кирган бир тахлам қоғозларга ишора қилди.

— Биринчи чақириқ Қорақалпоғистон парламенти учун ўзига хос имтиҳон вазифасини ўтади, — фикрини давом эттирди Тимур Камолович. — Сайлов арафасида «Халқ сўзи»да чоп этилган мақолада парламентимиз томонидан 5 йил давомида қилинган ишларга озмикўпми тўхталган эдик. Ўша маълумотларни такрорлаб ўтирмоқчи эмасман. Иккинчи чақириқ Жўқорғи Кенгеси эришилган натижаларни мустаҳкамлаш, бой берилган имкониятлардан оқилона фойдаланиши лозим. Тўртқўл туманида ўтказилган сайёр мажлисда ҳам Жўқорғи Кенгес депутатлари гуруҳи билан қатор долзарб масалалар юзасидан фикрлашиб олдик. Очиғини айтиш керак, айрим депутатлар ўзи сайланган ҳудуддаги ижтимоий-иқтисодий, демографик вазиятни чуқур англаб ета олмаяпти. Аслида қўшма корхона тузишдан тортиб, ҳаммом, теннис корти қуришгача бўлган барча ишларда унинг иштироки сезилиши керак. Тўғри, олдинги «наказ бериш» даври ўтди. Бироқ у биринчи навбатда шу юртнинг фидойиси эмасми? Гап фақат депутатлар тўғрисида кетаётгани йўқ. Ҳаммамиз — барча бўғиндаги раҳбарлардан бошлаб оддий ижарачи, тадбиркоргача шу азиз Ватанимиз, озод юртимизнинг гуллаб-яшнаши, фуқароларимизнинг эркин, фаровон ҳаёт кечириши учун масъул бўлишимиз, сидқидилдан меҳнат қилишимиз керак. Бугунги иш кунимизда асосан ана шу масалаларга эътибор қаратамиз.

Қорақалпоғистон парламенти биносининг кичик мажлислар залида Жўқорғи Кенгеси Раёсатининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Уни очар экан, Тимур Камолович мажлис кун тартибига долзарб масалалар қўйилганини, Жўқорғи Кенгеснинг иккинчи сессиясига тайёргарлик ишлари мувофиқлаштириб олинишини маълум қилди. Энг аввало, Раёсат Қорақалпоғистон Вазирлар Кенгеси Раисининг биринчи ўринбосарлари, вазирлар, давлат қўмиталари раислари, ҳукумат таркибига киритилган идоралар раҳбарлари лавозимларига номзодларни муҳокама қилди. Жўқорғи Кенгес Раиси ҳар бир номзод тўғрисида алоҳида тўхталар экан, уларга атрофлича баҳо берди, йиғилиш иштирокчиларини жонли мулоқотга таклиф этди. Қайд қилиш керакки, ҳукумат таркибида ёш, истиқболли кадрлар оз эмас. Кейинги икки йил ичида Қорақалпоғистондаги шаҳар ва туман ҳокимлари асосан ёшлардан сайланди. Парламент етакчиси номзоди муҳокама қилинаётган кишиларга қарата шундай деди:

— Муҳтарам Президентимиз Олий Мажлис биринчи сессияси иккинчи йиғилишида «ҳукумат аъзоси бўлган одамнинг, содда қилиб айтганда, отнинг калласидай юраги бўлиши керак», деб уқтирдилар. Ҳақиқатан ҳам, ҳукуматнинг ҳар бир аъзоси мард, ақлли, ҳалол ва қатъиятли, ҳар қандай шароитда масъулиятни ўз бўйнига оладиган одам бўлмоғи керак. Сизларда бу хусусият йўқ, демоқчи эмасмиз. Фақат халқ биздан амалий ишлар кутаётган бир пайтда унинг ишончи, эътиборини чинакамига оқлашимиз керак!

Раёсат мажлиси 1999 йилги Қорақалпоғистон Республикаси давлат бюджетининг ижроси ва 2000 йил учун давлат бюджети лойиҳасини муҳокама қилди. Ўтган йили давлат бюджетининг ижтимоий йўналишлари кучайтирилди. 2000 йил учун белгиланаётган 27 миллиард 392 миллион 445 минг сўм бюджет маблағининг 17 миллиард 343 миллион сўми ижтимоий соҳага йўналтирилади.

— Ислоҳотлар борасидаги ишимизни фақат бир баҳо билан, яъни инсонлар турмушини яхшилаш, юртни обод ҳамда кўркам қилишга қўшаётган ҳиссамиз билангина ўлчаш керак! — деди мажлисга раислик қилувчи йиғилганларга қарата. — Барча турдаги хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий аҳволини яхшиламасдан туриб, бугунги ишларимиздан қониқиш ҳосил қилишга ҳаққимиз йўқ!

Раёсат мажлиси «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги Қорақалпоғистон Республикаси Қонунининг Деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси томонидан бажарилиши ҳақида»ги масалани ҳам кўриб чиқди. Раёсат уюшманинг мазкур Қонунни бажариш, деҳқон ва фермер хўжаликлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги ишларини қониқарсиз деб топди.

— Бу уюшма воқеаларнинг ортида юрибди, — деди парламент етакчиси. — Унинг фаолиятида чуқур таҳлил ҳам, ташаббус ҳам, чин маънодаги жонкуярлик ҳам йўқ. Нега фермерларимиз сони йилдан-йилга кўпайиш ўрнига камайиб бормоқда? Нега Берунийдаги Рейимбой Йўлдошев, Тахтакўпирдаги Тўреахмет Палманов каби илғор фермерларимиз сафини кенгайтиримиз, уларга йўл очиб бермаймиз? Нега энди улар шарт-шароит, маблағ, микрокредит сўраб идорама-идора овора бўлишлари керак? Нега биз уларнинг ёнига бормаймиз? Нега уюшма бозор институтлари, яъни банклар, турли жамғармалар олдида фермернинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилмайди?! Билиб қўйинглар: Қорақалпоғистонда қишлоқ хўжалигининг қаддини фермерлар кўтариб беради!

Раёсат мажлисидан сўнг «Ўзагрокимётаъминот» давлат акционерлик бирлашмаси раиси А. Гаффоров иштирокида туман ҳокимлари, қишлоқ хўжалигига оид муассасаларнинг раҳбарлари қабул қилинди. Жорий йилда ширкат хўжаликлари, деҳқончилик билан шуғулланадиган субъектларни агрокимё воситалари, минерал ўғитлар билан таъминлаш масалалари муҳокама қилинди. Маълумки, Қорақалпоғистонда илк бора санация қилинган 14 хўжаликдан 5 тасининг ерлари мустақил мақомга эга фермерларга тақсимланди. Уларни маблағ, минерал ўғит, ёнилғи-мойлаш материаллари, уруғ билан таъминлаш юзасидан фикр алмашилди. Ана шу хусусда Беруний тумани ҳокими О. Жуманиёзовнинг ахбороти тингланди. Муаммоларни ҳал қилиш чоралари белгиланди.

Куннинг иккинчи ярмида ҳам Қорақалпоғистон ҳаётига оид муҳим масалалар билан шуғулланилди. Жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгесида «Соғлом авлод» давлат дастурини бажаришга бағишланган мажлисда Жўқорғи Кенгес Раиси Оролбўйи оналари ва болалари саломатлигини мустаҳкамлаш борасида ҳукумат, вазирлик ва идоралар, ҳокимликлар, барча бўғиндаги муассасалар, фуқаролар йиғинлари, жамоатчилик амалга ошириши зарур бўлган ишларга эътиборни қаратди.

Иш кунининг ниҳоясида Нукус шаҳрини янада ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди. Тегишли ташкилотларнинг мутасаддилари бир неча кун давомида Сирдарё вилояти маркази Гулистон шаҳрида бўлиб, қурилиш, ободонлаштириш борасидаги ибратли ишлар, бинолар, иншоотларни видеотасмага тушириб келган эдилар. Мутасадди раҳбарлар ана шу тасвирлар билан танишдилар, Нукус шаҳри қиёфасини янада кўркамлаштириш тадбирлари белгилаб олинди.

Шу куни Қорақалпоғистонда йирик цемент заводи барпо этиш, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари, қишлоқ шифокорлик масканлари, «Мискин-Учқудуқ» темир йўли, Нукус халқаро автомобиль шоҳбекати, бозор мажмуаси қурилишини тезлатиш, бир неча туманда қўшма корхоналар тузиш билан боғлиқ масалалар ҳам раснинг эътиборида бўлди. Шунингдек, Бердақ номидаги мусиқали драма театри биносида Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ шоири, таниқли шоир Ибройим Юсупов таваллудининг 70 йиллигига бағишланган кеча ўтказилди. Унда Ўзбекистон Ёзувчилари уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари Йўлдош Сулаймон, Қорақалпоғистон Ёзувчилари уюшмаси раиси Тўлепберген Қаипбергенов, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ артисти, Ўзбекистон Олий Мажлиси депутати Муяссар Раззоқова, Ўзбекистон Фанлар академияси мухбир-аъзоси Жуманазар Бозорбоев ва бошқалар улкан шоирни самимий муборакбод этдилар. Санъат усталари ва ижрочи ёшлар И. Юсупов шеърлари билан айтиладиган қўшиқларни куйладилар.

— Бизда ҳар бир кун шундай қайноқ, қизғин кечади, — дея бир кунлик ишига якун ясади Қорақалпоғистон Жўқорғи Кенгеси Раиси, Ўзбекистон Олий Мажлиси Раисининг ўринбосари Тимур Камолов. — Мақсадимиз эса битта: жонажон Ўзбекистонимизни дунёдаги энг илғор, энг бой, энг обод мамлакатлардан бирига айлантириш ишига муносиб улуш қўшиш, қадрдон Қорақалпоғистонимизни янада гуллаб-яшнаган, макроиқтисодиёти мустаҳкам, истиқболи порлоқ республикага айлантириш, ундаги ҳар бир фуқаронинг турмушига тўкинлик, тўкислик бахш этиш, қадриятларимиз тантанасига эришишдан иборат!

Янгибой ҚЎЧҚОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ИСТИҚЛОЛ НУРИДАН БАҲРАМАНД ЎЛКА

● Қорақалпоғистонда Қўнғирот сода заводи, Хўжайли шиша заводи, «Марказий Осиё безак тошлари» қўшма корхонаси, карбид, ун ва кабел заводлари каби мустақиллик иншоотлари мамлакатимиз салоҳиятини оширишга хизмат қилмоқда.

● «Элтекс», «Катекс» каби замонавий корхоналарда минглаб қорақалпоқ қизлари меҳнат қилишяпти.

● Кейинги беш йил ичида Оролбўйи минтақасида 70 минг гектардан зиёд яшил ҳудуд барпо этилди.

● Бутун республикада 23 та лицей, 11 та касб-ҳунар коллежи фаолият кўрсатяпти. 2005 йилга бориб коллежлар сони 114 тага етади.

Темир йўл хизмати

ПОЕЗД ВОДИЙ БЎЙЛАБ ҚАТНАМОҚДА

Водийнинг темир тасмаси навбаҳор айёми кунлари яна бир янги йўналиш билан бойиди.

Андижон-Қўқон йўналиши бўйлаб поезд қатновининг йўлга қўйилганлиги йўловчилар учун ўзига хос туҳфа бўлди. Эрта тонгда йўлга чиқадиган поезд Марғилон орқали, кундуз соат 13 дан 20 дақиқа ўтганда жўнайдиган поезд эса Наманган орқали Қўқонга кириб боради.

Темирйўлчилар ўз имкониятларидан келиб чиқиб, йўлкира баҳосини бошқа транспорт воситаларига қараганда анча арзон бўлишига эътиборни қаратдилар. Хизмат кўрсатиш маданиятининг юксаклиги, жўнаш ва шаҳарга кириб бориш вақтининг қулайлиги кўпчиликка маъқул бўлаётир.

О.ШОДМОНАЛИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

САВДО-САНОАТ ЯРМАРКАСИ

4-8 апрел кунлари Ўзбекистон Республикаси Бадиий академиясининг «Ҳамар» халқаро алоқалар марказида Тошкент шаҳар ҳокимияти ва Тошкент шаҳар товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатасининг ташаббуси билан тўртинчи савдо-саноат ярмаркаси ўтказилади. Унда пойтахтда фаолият кўрсатаётган 220 дан ортиқ турли хил мулк шаклидаги кичик, ўрта, йирик ва қўшма корхоналар ўзларининг маҳсулотларини намойиш қиладилар.

Кеча шу муносабат билан Тошкент шаҳар ҳокимлиги биносида матбуот конференцияси бўлиб ўтди.

– Анъанага кўра, йилига бир маротаба ўтказиладиган биржа кўринишидаги бу ярмаркада 20 дан ортиқ давлатлардан таклиф этилган ишбилармонлар тадбиркорларимиз билан учрашиши, ўзаро фикр алмашишлари ва шартнома имзолашлари мумкин, – деди Тошкент шаҳар товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси раиси Анвар Йўлдошев. – Бундан мақсад хориждан шериклар топиш, янги корхоналар ташкил этиш ва пировардида мамлакатимиз экспорт салоҳиятини оширишдан иборатдир. Шунингдек, ярмаркада Марказий банк, тижорат банкларининг шаҳар бўлимлари, божхона ва солиқ бошқармаси вакиллари маслаҳатчи сифатида иштирок этишади.

Ярмарканинг иккинчи кунида Тошкент шаҳар ҳокими соврини учун тадбиркорлар ва ҳунармандларнинг «Ташаббус-2000» кўрик-танлови ҳам бўлиб ўтади. Танлов ғолибларига эса «Энг яхши тадбиркор» ва «Энг яхши ҳунарманд» унвонлари берилади.

Б. ОСТОНАҚУЛОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

«ҚАШТЕКС»: ИЗЛАНИШЛАР КОНИ ФОЙДА

«Қаштекс» корхонасида ингичка толали пахта толаси қайта ишлаб чиқарилиб, шу ернинг ўзида тола, ип ва матога айлантирилади. Қайта ишланган пахта маҳсулотидан эркаклар учун турли хил кўйлаклар, хотин-қизлар ва болалар учун ички кийимлар ҳамда спорт кийимлари тайёрланади.

Бироқ аввалги йилларда мазкур корхонада иш юритиш анча сусайган эди. Бу эса унумдорлик ва сифатга путур етказди. Иш кучи эса ниҳоятда камайиб кетди.

1999 йилнинг иккинчи ярмидан бошлаб, ушбу корхонадаги фаолият яхши йўлга қўйила бошланди. Бунда янги раҳбар — Исроил Ишнаевнинг ҳиссаси катта бўлди. У, даставвал ишни қатъий режа асосида бошлади. Ишчилар учун шароит яратди. Энг асосийси, корхонага ўз ишининг уста мутахассисларини тўплади. Ишга бўлган масъулият кучайтирилди.

Натижада ўтган йилнинг иккинчи ярмида 340 тонна ёки биринчи ярим йилга нисбатан 218 тонна кўп тола қайта ишланди. 1999 йил 59 миллион сўмлик соф фойда билан якунланди. Аввалги йиллардан ўтиб келган 37 миллион сўм зарар ҳам қопланди.

Биргина 2000 йилнинг январ ойида 68 тонна тола қайта ишланди. Ишчилар сони 1200 кишига етди. Корхона ишчилари ушбу йилни ишлаб чиқарган маҳсулотларини хорижга экспорт қилиш билан якунлаш ниятида. Бунинг учун эса барча имкониятлар етарли.

Ҳа, ҳаракат ва изланиш замири юқори маҳсулдорлик кони эканлигини корхона аҳли сидқидилдан ҳис этмоқда. Шу боис улар берилган вақт ҳамда имкониятдан самарали фойдаланяптилар.

СУРАТЛАРДА: толани пиликлаш цехида; оператор Муҳаббат Янгибоева.

Шомурод ШАРОПОВ (ЎзА) олган суратлар.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Соғлом авлод» давлат дастури тўғрисида»ги Қарорини маънавий, жисмоний ва руҳий соғлом, баркамол авлод тарбиясини амалда ташкил этишни белгилаб берган тарихий ҳужжат деб эътироф этсак бўлади.

Шуни алоҳида таъкидлашни жоиз деб биламизки, «Соғлом авлод» давлат дастурини бажариш мамлакатимиз зиёлиларига қай даражада масъулият юкласа, унинг бевосита жойлардаги ижросига кенг жамоатчилик, барча фуқаролар ҳам шунчалик масъулиятлидирлар. Чунки унинг амалга оширилишидан кўзланган мақсаднинг пировард натижасидан бутун халқимиз манфаатдор.

Соғлом авлод йили

ИЖТИМОИЙ МУҲИТ

«Соғлом авлод» тушунчаси бевосита онгимизда, миямизда тан-жони соғ, бақувват инсон тимсолида гавдаланиши маълум. Лекин ана шу саломатлик ва бақувватликни таъминловчи ижтимоий омиллар тизими мавжудки, улар бизнинг кундалик турмушимиздан, ҳар кунги тоатибодатимиздан, биз билан ҳар куни мулоқотда бўладиган одамлар билан муомаламиздан бошланади. Саломатлик психологияси билан шуғулланадиган олимларнинг эътироф этишларича, турли касалликларни келтириб чиқарувчи омилларнинг деярли 80-82 фоизи психоген табиатли, яъни инсонни бевосита ўраб турган муҳит, ундаги инсоний муносабатлар бўлиб, уларнинг таъсирида руҳиятда пайдо бўлган ўзгаришларни бартараф этиш соф патологик ўзгаришларни бартараф этишдан кўпроқ вақт ва маблағ талаб қилар экан. Демак, саломатлик тушунчаси туб маънода психологик ва маънавий саломатлик тушунчасини ўз ичига олади.

Бугун жамиятимизда яшаб, фаолият кўрсатаётган, давлатимизнинг равнақи ва унинг келажаги тўғрисида қайғураётган ҳар бир киши соғлом авлод тарбиясига алоқадор бўлган омиллардан хабардор бўлмоғи ва уларни ижобий таъсир кўрсатувчи омилга айлантиришга ўз ҳиссасини қўшмоғи шарт.

Соғ ва баркамол авлод тарбиясида, айниқса, жамиятимиз зиёлиларининг ўрни ва роли ҳар қачонгидан ҳам ошди. Биз аввало, педагог-мураббий-устознинг маънавий соғлом руҳиятига эътиборни қаратар эканмиз, унинг ўз оиласи ва ундаги маънавий муҳитга масъуллиги тўғрисида ўйлаб кўришини хоҳлардик. Бу ўринда тарбияловчининг ўзи, аввало, тарбияланган бўлиши кераклиги шарти нақадар ҳаётий ва ўринли эканлигига иймон келтирамиз. Тасаввур қилинг, олий мактаб домласи талабаларга мураббийлик соатларида таълим-тарбия, интизом, бурч ва масъулият, касбга меҳр ва садоқат тўғрисида гапирса-ю, ўзи нариги олийгоҳда ўқиётган фарзандининг кимлар билан мулоқотда бўлишини билмаса, ўқишдаги муваффақиятларидан бехабар бўлса, имтиҳон ёки синовлар пайтида касбдошларига илтимос қилиб, боласининг баҳосини тузатиб берса. Ёки ўзи муаллим бўла туриб, ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлашнинг муҳимлигини, жисмоний ва руҳий етукликнинг оилавий барқарорликдаги ролини китоблардан ўқиб, талаба қизларга сўзлаб берса-ю, ўзи эндигина 18 ёшга кирган қизини совчининг кимлигига қараб, ўйламай-нетмай қуёвга бериб юборса? Таниш-билиш орқали олган дипломи ёки оилавий ҳаётга тайёр бўлмаганлиги, «ғўрлиги» туфайли жанжалли ҳолатга тушиб, руҳан қийналаётган жигаргўшаларига қараб, у кейин афсусланмайдими? Бу нарса жамиятимиз зиёлиларининг биринчи навбатда соғлом ва баркамол авлод тарбиясида шахсий ўрнаги устувор бўлиши заруратини англашга даъват этмоқда.

Хорижлик тадқиқотчиларнинг изланишларидан бирида шундай ҳодиса кузатилди: тадқиқот жараёнида психолог кўрсатмасига биноан ҳар бир раҳбар ўз қўл остида ишлайдиган ходимнинг оиласи, фарзандлари, турмуш шароитларини оддий, самимий суҳбат орқали аниқлайди. Тадқиқотчилар бу суҳбатларнинг икки томонлама самара беришини кутишмаган экан — бир томондан, шахсий ҳаётига қизиққани учун ишчи-ходимларнинг ўз меҳнатларига муносабати мусбат томонга ўзгариб, ишлаб чиқариш самарадорлиги ошган, иккинчи томондан, уларнинг ўзлари эътироф этишларича, оиласига, ундаги муаммоларга, фарзандлар тарбиясига муносабатлари ҳам кескин яхши томонга ўзгарган. Биз бу хорижликлар тажрибасини ўзимизда ҳам айнан ўтказишимиз керак, демоқчи эмасмиз. Фақат ҳар бир зиёли олим, илмга чанқоқ одам, ўзини ёшлар таълими ва тарбиясига фидокорман деган инсон, ўз оилавий муносабатларига эътиборлироқ бўлишса, ўз фарзандлари одоби-ю, ахлоқига, уларнинг иқтидори ва қобилиятлари тарбиясига шахсий улушларини қўшишса, маҳаллада, қариндош-уруғлар ичида болалари билан фахрланиш даражасида уларга тарбия беролсалар, жамиятимиздаги маънавий муҳитнинг тозаланиш жараёни тезроқ кечган, ўқитувчининг, олимнинг жамиятдаги нуфузи ва обрўси янада ошган бўларди. Битта маҳаллада камида 1-2 та ана шундай ибратли оиланинг бўлиши, ўша маҳаллада катта бўлаётган бошқа фарзандларга ижобий ўрнак намунаси бўлиб хизмат қиларди. Фикримизча, бугун барча тушунган, оқил ва фозил инсонлар бир ёқадан бош чиқариб, жамиятимизни соғломлаштиришга ҳиссаларини қўшсалар, ўз ҳаётларига таҳлилий муносабатда бўлсалар, айни муддао бўлар эди.

Шу билан бирга, ҳар бир устоз жамиятда ўз бурчини теран англаши, бу бурч — мунтазам тарзда ақл-идрокли, қобилиятли ва иқтидорли ёшларни танлаш, уларни сидқидилдан тарбиялаш, шу тарзда ўз мактабига эга бўлишдир. Демоқчимизки, бугун ҳар биримиз ўз ўқувчиларимиз, талабаларимиз, илмий ходимлар орасидан Навоийларни, ат-Термизий ва ибн Синоларни, Беруний ва Хоразмийларни қидириб топиб, уларга ўз илмимизни бераётганлигимиздан фахрлана олишимиз керак. Бизнес борасида шогирд тайёрлаётган устозлар улар тафаккурини шундай ўстиришлари керакки, токи улар халқаро миқёсда фикрлай оладиган, ақл-заковати билан хориждаги бадавлат ҳамкорлар сармоясини халқимиз манфаатига буйсундира оладиган бўлсинлар. Акс ҳолда, нимани кузатяпмиз? Янги пайдо бўлган айрим «тадбиркорлар» фойдани ўз ватандошлари ҳисобидан орттириб, тижоратни олди-берди билан чекламоқдалар. Уларни биз устоз кўрмаган чала «шогирдлар» деб атаймиз. Шогирдларнинг бўшлиги ва ноқобиллигига яна бошқа омиллар ҳам таъсир қиладики, биз улар тўғрисида бугун гапирмаслигимиз мумкин эмас.

Минг афсуски, айрим муаллимларнинг аудиторияда айтган гаплари билан уларнинг амалий ишларида тафовут мавжуд ва буни шогирдлар жуда теран илғайдилар. Бундай бебурдлик устознинг обрўсига жиддий соя солади. Бугун биз миллий ғурур ва соғлом тафаккур ҳақида гапирар эканмиз, шогирдларнинг устозларга меҳри, уларнинг ҳар бир гапи, ғояси ва ишларига эътиқодни ана шу ғурурнинг ажралмас бир бўлаги сифатида эътироф этишимиз зарур. Токи, ҳар биримиз шундай ёшларни тарбиялайликки, улар эртага фан соҳасида ҳам, инсонийликда ҳам биздан ўзиб кетсинлар, барчага ўрнак бўлсинлар. Ўзбекистонликларнинг туб маънодаги маънавияти ва маданияти ҳам ана шу омилга боғлиқ бўлиши жамиятимиз ривожланишининг тамал тошларидан бирига айланиши керак.

Бу ўринда диққатни яна бир нарсага қаратишни истардик. Одатда биз мактабда ҳам, махсус таълим муассасаларида ҳам, олийгоҳда ҳам кўпроқ эътиборни қолоқ ўқувчиларга, интизомсизларга, «тарбияси оғирлар»га қаратамиз. Улар тақдири хусусида махсус дарсларда, ота-оналар билан биргаликдаги учрашувларда қайғуриб гапирамиз. Бу анъанавий тарбия методи бўлиб,



Чиноз туманидаги «Таъминотчи – пахта таъминоти» ҳиссадорлик жамияти юртимиздаги барча жамоа ва деҳқон фермер хўжаликларига «Кейс» ва «Магнум» тракторларининг эҳтиёт қисмларини етказиб беради. Шу кунларда далаларда иш қизғин. Шу боис ҳам жамият аъзолари «тинчини йўқотган». Муҳими, улар ўз вазифаларини сидқидилдан бажариб, деҳқонларга ҳамқанот бўлишмоқда.

СУРАТЛАРДА: эҳтиёт қисмлар омбори юк ташувчиси Шерали Икромов; омбор мудири Ойбек Норқулов ва ишчи Дониёр Икромовлар олиб келинган ёнилғиларни қабул қилиб олишмоқда.

Х. МИРЗАКАРИМОВ олган суратлар.

Баҳор ташвишлари

ТАБИАТ СИРЛАРИНИ БИЛИШ

инсон ожизлигига чек қўяди

Мамлакатимизда қатор йиллар давомида содир бўлган сел келиши, сув тошқинларининг таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, бу ҳодисалар ҳар йили халқ хўжалигига катта миқдорда моддий зарар етказяпти. Кўплаб фуқароларимиз тинчи бузилиб, саломатлигига ҳам зарар етмоқда, айрим ҳолларда эса одамларнинг нобуд бўлишига сабаб бўлмоқда.

1999 йилда мамлакатимиз ҳудудида қайд қилинган жами фавқулодда вазиятларнинг 15 таси турли ҳажмдаги сел келишлар оқибатида содир бўлган. Масалан, Сурхондарё вилоятининг Қумқўрғон, Фарғона вилоятининг Сўх, Тошкент вилоятининг Оҳангарон, Паркент, Бўстонлиқ, Юқори Чирчиқ, Наманган вилоятининг Чортоқ, Янгиқўрғон ва Учқўрғон туманларида келган селлардан халқ хўжалигининг турли соҳаларига сезиларли даражада моддий зарар етганини айтиб ўтиш мумкин. Шу ўринда «Инсон табиатнинг бу кучига нимани қарши қўяолди, ундан аҳолини муҳофаза қилиш мумкинми, агар мумкин бўлса, қандай қилиб?» — деган савол туғилиши табиий, албатта.

Аввало, биз мамлакатимизнинг географик шарт-шароитлари ҳақида тўла маълумотга эга бўлишимиз керак. Табиатни ўрганиш орқали унда бўлаётган жараёнларнинг моҳиятини, кетма-кетлиги, сабаб ва оқибат боғланишининг умумий занжиридаги ўрнини, кутилаётган ҳодисаларни келтириб чиқараётган сабаблари, уларнинг содир бўлиш вақти, ҳудудини аниқлашимиз, ундан аҳолини ва ҳудудларни муҳофаза қилиш борасида эҳтиёт чораларини кўриш зарур. Шу йўл билан моддий зарар миқдорини ва қурбонлар сонини камайтиришга эришишимиз мумкин. Бу ўринда кўп нарса гидрометереологик кузатиш хизматининг фаолияти қай даражада ташкил қилинганлигига боғлиқ. Бу хизматни тезкор, пухта ва мунтазам фаолият кўрсатиш учун зарур шарт-шароит, илмий-техника асбоб-ускуналар, тоғлардаги метеорологик жараёнлар ҳақида олинган маълумотларни тез ва аниқ қилиб қайта ишлаб берувчи замонавий жиҳозлар, маълум тажрибага эга, малакали мутахассис кадрлар билан таъминлаш селдек табиий офатни олдиндан башорат қилиш ва унга қарши эҳтиёт чораларини кўриш имконини беради.

Ўзбекистон Гидрометереология бош бошқармасининг маълумотига кўра, республикамиз ҳудудида 1852 та сел ҳавзаси аниқланган бўлиб, буларда 319 та халқ хўжалиги иншооти жойлашган. Сел хавфи таҳдид соладиган 130 та аҳоли пункти, 10 та болалар соғломлаштириш муассасаси, 12 та кўприк, 25 та йўл участкаси ва 25 минг гектар қишлоқ хўжалик экинзорлари бор.

Йиллар давомида ўтказилган кузатишлар натижасига кўра, катта ҳажмдаги сел келиш хавфи мавжуд ҳудудлар асосан Тошкент, Фарғона, Сурхондарё вилоятларида бўлиб, улар асосан баҳор ойларида ва ёзнинг бошларида тоғолди ҳудудларда содир бўлиши мумкин.

Маҳаллий ҳокимиятлар томонидан кўриладиган селдан сақланишнинг энг самарали усуллари оз эмас. Улар халқ хўжалиги иншоотларини ва фуқароларни хавфсиз жойларга кўчириш, шундай табиий ҳодисалар юз бериши мумкин бўлган ҳудудларда ҳар қандай қурилиш ишлари олиб борилишини маън қилиш, бу ерларни қаттиқ назорат остига олиш, сел сувини тўплаб қоладиган иншоотлар (омборлар) қуришдан иборат.

Аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген тусдаги фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилишда бош омил — инсон ҳаёти бўлиб, бу ҳолат Ўзбекистон Республикасининг «Аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонунида қатъиян белгилаб қўйилган.

Шу ўринда сел ва сув тошқини ҳодисаларининг ўзаро қандай фарқланишини эслатиб ўтишни лозим топдик.

Селда лой, тош, турли тоғ жинслари, ёғоч ва шу кабилар аралашган ҳолда оқиб келади. Тоғлардаги сув ўзанларида бўладиган сув йирик вайроналик келтирувчи куч билан маълум йўналишда ғоятда тез оқади. Сел ўз йўлида учраган ҳамма нарсаларни бузиб, ўз домига тортадиган ҳодисадир.

Сув тошқини зилзиладан кейинги катта талофат келтирувчи табиий ҳодиса ҳисобланади. У кўп ёмғир ёғиши оқибатида сув ўзанларининг тўлиб тошиши, ўз оқими йўналишида бирор-бир тўсиқнинг пайдо бўлиши туфайли сув сатҳининг кўтарилиши ва тошиб кетиши натижасида катта ҳудудлар сув остида қолади.

Сув тошқинлари содир бўлганда тепалик жойларга, кўп қаватли мустаҳкам уйларнинг юқори қаватларига, уйларнинг томларига чиқиб сув сатҳининг пасайишини ёки ёрдам келишини кутиш мумкин.

Табиий ва техноген тусдаги ҳодисалар юз бериши мумкин бўлган ҳудудларда яшовчи аҳоли ушбу хавфдан огоҳлантирилиши, улардан муҳофазаланиш чораларини кўраоладиган даражада билимга эга бўлиши керак. Энг муҳими, аҳоли хавфсизлигини таъминлаш учун улар орасида мунтазам равишда радио, телевидение, маҳаллий матбуот воситаларидан фойдаланган ҳолда тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш зарур. Ҳар бир фуқаро зарур чора-тадбирларни нечоғли билишлиги аҳоли хавфсизлиги қай даражада таъминланганлигини кўрсатувчи мезондир.

Шуни ҳам ёдда тутиш лозимки, фавқулодда вазиятлар юз берганда аҳолига катта моддий ва маънавий зарар етказадиган асосий омиллардан бири — бу аҳолининг саросимага тушишидир. Фикримизча, аҳолни бундай ҳолатлардан муҳофаза қилиш уларнинг ушбу масала бўйича атрофлича билимга эга бўлишларига эришишдан иборатдир. Табиат сирларини билиш унинг олдида инсоннинг ожизлигига чек қўяди. Аҳоли табиий офатлардан муҳофазаланиш бўйича хатти-ҳаракатлар қоидаларини билиши, ҳар қандай вазиятда ҳам ваҳиманинг олдини олади, бошқаларни ҳам ундан асрайди. Омма орасида турли табиий ва техноген ҳодисалар юз берганда тўғри ҳаракатланиш қоидаларини, бундай ҳодисанинг оқибатларини тугатиш чора-тадбирлари ҳақида тарғибот ва ташвиқот ишларини мунтазам олиб бориш яхши натижа беради.

Шунингдек, аҳолининг билим даражасини ошириш мақсадида сел келиши хавфи кучлироқ бўлган ҳудудларда олдиндан тузилган режа асосида командаштаб ўқув машқларини, бошқа тадбирларни ўтказиб бориш зарур. Бундай тадбирларсиз биз ҳеч қачон кўзлаган мақсадимизга эриша олмаймиз.

Миржамил ЮНУСОВ,
Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Фуқаро муҳофазаси институтининг кафедра бошлиғи, профессор.
Зокиржон БОЙЧИБОЕВ,
кафедра катта ўқитувчиси.

«СОҒЛОМ АВЛОД ҚЎШИҒИ»

Жиззах вилоятида «Соғлом авлод қўшиғи» мавзуидаги кўрик-танлов бўлиб ўтди. Унда шаҳар ва туманларда фаолият кўрсатаётган бадиий ҳаваскорлик жамоалари ўз дастурларини намойиш этишди. Ҳакамлар ҳайъати хулосасига кўра, Дўстлик тумани бадиий жамоаси биринчи ўринга муносиб деб топилди. Иккинчи ва учинчи ўринлар Жиззах шаҳри ва Ғаллаорол тумани бадиий жамоаларига насиб этди. Шунингдек, форишлик Раъно Тошпўлатова, зоминлик Фазлиддин Муҳиддиновларнинг чиқишлари ҳам кўпчиликда катта таассурот қолдирди. Голибларга танлов ҳомийлари таъсис этган диплом ва эсдалик совғалари тақдим этилди.

МЕҲР-ОҚИБАТ НАМОЙИШИ

Маннон Уйғур номидаги Сурхондарё вилоят мусиқали драма театри жамоаси яқинда ўз мухлисларига драматург Холиқ Хурсандов қаламига мансуб бўлган «Ўлдинг, азиз бўлдинг» спектаклини тақдим этди. Таниқли режиссёр, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Мансур Равшанов саҳналаштирган ушбу асарда ота-она билан фарзандлар ўртасидаги меҳр-оқибат, садоқат ҳамда инсонийлик мавзулари тилга олинган. Асар ғоясини тўлақонли очиб беришда республикада хизмат кўрсатган артистлар Раҳим Маматалиев, Гулнора Равшанова, Холиқ Орипов, Қудрат Бурхонов, Марям Маҳмудова ҳамда истеъдодли актёрлар Йўлдошали Қурбонов, Қаноат Миродиловаларнинг маҳорати қўл келган. Шунингдек, безатувчи-рассом Баҳодир Оллоёров ишлаган саҳна декорацияси ҳам ўзига хос мазмунга эгадир.

Садбархон ЖЎРАЕВА.

Кўргазма

ЭТНОГРАФ НИГОҲИ БИЛАН

Самарқанддаги Акмал Икромов номли Ўзбекистон маданият тарихи музейида германиялик этнограф-олима Габриэле Келлернинг «Ўзбекистонда аёллар маданияти: овруполик аёл Марказий Осиёда қадимий анъаналар изидан» деб номланган этнографик расмлар кўргазмаси очилди. Жаҳон маданият йили ва Наврўз байрамига бағишланган ушбу кўргазмани Самарқанд давлат музей-қўриқхонаси, республика Бадиий академияси ҳамда Самарқанд халқаро тинчлик ва бирдамлик музейи ташкил этди.

Кўргазмага қўйилган 150 та рангли суратнинг барчаси 1999 йилда Самарқанд вилоятида амалга оширилган ўзбеколмония илмий этнографик экспедицияси жараёнида олинган бўлиб, асосан ўзбек аёлларининг ўзига хослиги, уларнинг турмуш маданияти мавзуини қамраб олган.

А. САТТОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ВА СОҒЛОМ МАЪНАВИЯТ

уни такомиллаштириш зарур. Ҳозир гап иқтидорли, интизомли, ибратли, ўзлаштириши юқори фарзандларимиз тўғрисида. Биз уларни жуда тез илғаб оламиз, уларнинг борлигидан суюнамиз, топшириқлар бериб, бир-икки ютуқлар ўрнига суюнган ҳолда «аълочилар» рўйхатида олиб юраверамиз. Лекин агар биз уларга ҳам мосабатимизни бироз ўзгартирсак-чи? Масалан, уларнинг инсон сифатидаги, шахс сифатидаги хусусиятларига эътибор берганмизми? Балки шу яхши ўқийдиган йигит ёки қиздаги билимлар фақат аудиториядадир, ташқарида унинг ҳулқига ким эътибор беряпти? Қолаверса, тартибсиз ўқувчининг ота-онасини йўқлаймиз-у, негадир, аълочининг ўй шароити, ота-онаси, маҳалласи, у ердаги тарбиявий услублар билан қизиқмаймиз. Биз таклиф қилардикки, ўша ибратли, иқтидорли талабаларнинг маҳаллаларига, уйига борсак, уларнинг қариндош-уруғларига, маҳалладошларига ана шундай оқил фарзанд тарбиялагани учун миннатдорчилигимизни айтишни унитамиз. Ваҳоланки, фикримизни кўпчилик олдида изҳор қилсак, бу ишимизнинг таъсирчанлиги ва самараси жуда юқори бўларди. Шунда ота-онада ўз фарзандидан ғурурланиш, маҳалла-куйда маҳалладошга ҳавас, ундан ибрат олишга иштиёқ, хоҳиш пайдо бўларди. Афсуски, биз устозлар масаланинг ушбу жиҳатига жуда кам эътибор берамиз. Бизнинг бундай ишимиз ўша маҳаллада тарбияланаётган «ноқулай, тарбияси оғир» болаларнинг ота-оналари, умуман жамоатчилик учун фикрлаш, ўйлаш ва таҳлил қилиш учун озуқа бўларди. Бу ишда устозлар, зиёлилар бош-қош бўлишлари керак-ку?

Бугун ҳурматли профессорнинг, кафедра мудири ҳамда деканнинг иқтидорли талаба маҳалласига ташриф буюришини одатий тарбия усулига айлантириш вақти келди. Чунки охирги пайтларда шундай воқеаларнинг ҳам гувоҳи бўлдикки, факультетда аъло баҳоларга ўқиган талаба турли ақидапарастлар тўдасига қўшилиб, ёки улар таъсирига берилиб, ўзидаги билимга, илмга, эзгуликнинг йўлига эътиқодининг сустлигини, кўрсатиб қўймоқда.

Мана, учинчи йилки Кадрлар тайёрлаш милий дастури амалга оширилмоқда, олдимизда «Соғлом авлод» давлат дастурини бажариш масъулияти долзарб бўлиб турибди. Бу ҳужжатлар бир қарашда давлат ташкилотлари, ўқув юртларининг масъулиятига алоқадордай туюлади. Лекин аслида, иккала дастурни бажаришга ҳамма бирдай масъул ва айниқса, оиладаги ота-она биринчи навбатда масъулдирлар. Бу ўринда биз ота-оналарнинг саводхонликларига, уларнинг билимига ишора қилмоқчимиз. Тўғри, охирги йиларда аҳолининг сиёсий ва маърифий онги ўсиб бормоқда, юртдошларимиз содир бўлаётган барча воқеа-ҳодисаларга ўз муносабатларини билдирмоқдалар. Лекин кўп ҳолларда айрим ота-оналар орасида «ана давлат сармоялар ажратмоқда, энда болаларимизни ўқитиб, одам қилиб берінглар», дегувчилар ҳам йўқ эмас. Бугунги катталар шундай бўлишлари керакки, ўз ақлий салоҳиятлари билан фарзандлари миясининг нормал ишлаши ва тани-жони, руҳияти соғ бўлиши учун нималар зарурлигини аниқ билишлари керак.

Шундай қилиб, боланинг ақли, иқтидори, маданий савияси, касбий маҳоратидан энг аввало ота-она манфаатдор экан, улар ўз фарзандлари тарбияси борасидаги барча вазифаларини тўла англашлари керак. Энг оддий мисол: оиладаги муҳит бола тарбиясига таъсир кўрсатувчи жуда кучли омил ҳисобланади. Биз барча шарт-шароитларга эга бўлган лицейда болага мукаммал билим берсагу, у уйда ота-она ёки бошқа қариндошуруғлар ўртасидаги келишмовчиликларнинг гувоҳи бўлавериш зарур. Ҳар бир фуқаро зарур чора-тадбирларни нечоғли билишлиги аҳоли хавфсизлиги қай даражада таъминланганлигини кўрсатувчи мезондир.

Шуни ҳам ёдда тутиш лозимки, фавқулодда вазиятлар юз берганда аҳолига катта моддий ва маънавий зарар етказадиган асосий омиллардан бири — бу аҳолининг саросимага тушишидир. Фикримизча, аҳолни бундай ҳолатлардан муҳофаза қилиш уларнинг ушбу масала бўйича атрофлича билимга эга бўлишларига эришишдан иборатдир. Табиат сирларини билиш унинг олдида инсоннинг ожизлигига чек қўяди. Аҳоли табиий офатлардан муҳофазаланиш бўйича хатти-ҳаракатлар қоидаларини билиши, ҳар қандай вазиятда ҳам ваҳиманинг олдини олади, бошқаларни ҳам ундан асрайди. Омма орасида турли табиий ва техноген ҳодисалар юз берганда тўғри ҳаракатланиш қоидаларини, бундай ҳодисанинг оқибатларини тугатиш чора-тадбирлари ҳақида тарғибот ва ташвиқот ишларини мунтазам олиб бориш яхши натижа беради.

Шунингдек, аҳолининг билим даражасини ошириш мақсадида сел келиши хавфи кучлироқ бўлган ҳудудларда олдиндан тузилган режа асосида командаштаб ўқув машқларини, бошқа тадбирларни ўтказиб бориш зарур. Бундай тадбирларсиз биз ҳеч қачон кўзлаган мақсадимизга эриша олмаймиз.

Миржамил ЮНУСОВ,
Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Фуқаро муҳофазаси институтининг кафедра бошлиғи, профессор.
Зокиржон БОЙЧИБОЕВ,
кафедра катта ўқитувчиси.

ва ўрта ҳисобда ҳар бир оила ҳисобига 3 миллиардгача ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ҳисобига ҳосил бўлиши лозим. Ҳозирги кунда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ҳисобига ҳосил бўлаётган даромадлар ҳисобига ҳар бир оила ҳисобига 1 миллиардгача даромад ҳосил бўлиши лозим. Ҳозирги кунда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ҳисобига ҳосил бўлаётган даромадлар ҳисобига ҳар бир оила ҳисобига 1 миллиардгача даромад ҳосил бўлиши лозим. Ҳозирги кунда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ҳисобига ҳосил бўлаётган даромадлар ҳисобига ҳар бир оила ҳисобига 1 миллиардгача даромад ҳосил бўлиши лозим. Ҳозирги кунда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ҳисобига ҳосил бўлаётган даромадлар ҳисобига ҳар бир оила ҳисобига 1 миллиардгача даромад ҳосил бўлиши лозим. Ҳозирги кунда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ҳисобига ҳосил бўлаётган даромадлар ҳисобига ҳар бир оила ҳисобига 1 миллиардгача даромад ҳосил бўлиши лозим. Ҳозирги кунда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ҳисобига ҳосил бўлаётган даромадлар ҳисобига ҳар бир оила ҳисобига 1 миллиардгача даромад ҳосил бўлиши лозим. Ҳозирги кунда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ҳисобига ҳосил бўлаётган даромадлар ҳисобига ҳар бир оила ҳисобига 1 миллиардгача даромад ҳосил бўлиши лозим. Ҳозирги кунда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ҳисобига ҳосил бўлаётган даромадлар ҳисобига ҳар бир оила ҳисобига 1 миллиардгача даромад ҳосил бўлиши лозим. Ҳозирги кунда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ҳисобига ҳосил бўлаётган даромадлар ҳисобига ҳар бир оила ҳисобига 1 миллиардгача даромад ҳосил бўлиши лозим. Ҳозирги кунда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ҳисобига ҳосил бўлаётган даромадлар ҳисобига ҳар бир оила ҳисобига 1 миллиардгача даромад ҳосил бўлиши лозим. Ҳозирги кунда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ҳисобига ҳосил бўлаётган даромадлар ҳисобига ҳар бир оила ҳисобига 1 миллиардгача даромад ҳосил бўлиши лозим. Ҳозирги кунда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ҳисобига ҳосил бўлаётган даромадлар ҳисобига ҳар бир оила ҳисобига 1 миллиардгача даромад ҳосил бўлиши лозим.

МЕРИДИАН

РОССИЯНИНГ ЁШ ҚАҲРАМОНИ

Маълумки, шу йилнинг 26 март куни Россияда Президент сайлови бўлиб ўтган эди. Россия Марказий сайлов комиссиясининг хабар қилишича, иккинчи тур сайловига ҳожат қолмаганлиги учун 800 миллион рубл давлат ғазнасида сақлаб қолинган. Айни пайтда эса халқаро жамоатчилик ушбу сайлов натижаларини мамлакатдаги сиёсий жараёнларнинг янги босқичи бошланаётганлигининг далили сифатида баҳолашмоқда. Куни кеча ЕХҲТ ўзининг бу ҳақда тарқатган маърузасида ҳам Россияда бўлган сайлов тегишли қонунлар, демократик принциплар асосида ўтказилганлиги эътироф этилди. Унда айтилишича, 93 мингдан ортиқ сайлов участкаларида россияликлар демократия ва тараққиёт учун овоз бердилар. Мамлакатдаги сайлов ҳақида қабул қилинган қонунлар барча номзодлар учун тенг ҳуқуқ ва тенг шароит яратишни кафолатлади.

Жаҳон оммавий ахборот воситаларида ҳам мазкур сайлов натижалари кенг шарҳланмоқда. Масалан, Франция академиясининг котиби Элен Каррер д. Анкосс «Фигоро» газетасида Владимир Путин Россияни буюк давлат сифатида тиклашга, мамлакатда тинчлик ва хавфсизликни таъминлашга қодир бўлганлиги учун ҳам ғалаба қозонди, деб ёзса, Германиянинг «Вельт» газетаси эса уни «Россиянинг ёш қаҳрамони», деб баҳолади. Италиянинг «Республика» нашри эса «касал» Россияга фақат Владимир Путингина «шифо» ато эта олади дея ҳисоблайди. Европада севиб ўқиладиган «Тагесцайтунг» газетаси россияликлар В. Путинга овоз бериб, ўзлари учун демократияга йўл очдилар, деб муносабат билдирди.

Оқ уй раҳбари Билл Клинтон эса бу ҳақда тўхталиб, АҚШ ва Россия раҳбарлари ўзаро ҳурмат учунгина эмас, балки умумий манфаатлар учун ҳам ҳамкорликда ҳаракат қилиши керак, деди. У Россиянинг янги Президенти В.Путин билан, илгариги Президент Б. Елцин билан бўлганидек, илиқ, яқин алоқа ва ўзаро дўстлик ўрнатилишидан умидворлигини айтди.

НАТО ЯНА КЕНГАЯДИМИ?

Ҳозирги кунда НАТОга қўшилиш учун Латвия, Литва, Словакия каби мамлакатлар интилаяпти. Куни кеча Словакиянинг НАТОга аъзо бўлиши мамлакатда ишсизлар сони қисқаришига ёрдам беради, деди ушбу давлат Бош вазири Микулиш Дзуринда журналистлар билан бўлган учрашувда. Унинг айтишича, альянсга аъзо бўлиш мамлакатга киритилаётган инвестициялар ҳажмининг ошишига олиб келади. Шунингдек, у НАТОга қўшилиш борасидаги лойиҳалар ижроси учун давлат хазинасидан бу йил ўтган йилга қараганда етти баробар кўп маблағ ажратилганлигини маълум қилди. Бироқ НАТОга интилаётган Литва эса ҳали унинг сафига кириб улгурмай гап эшита бошлади. Брюсселда ташкилот раҳбарияти билан бўлган учрашувда Бош вазир Андрюс Кубилюсга Литва ўз мажбуриятларини тўла бажармаётгани айтилди. Келишувга биноан, Литва мудофаа соҳасига кетадиган харажатни ялпи ички маҳсулот ҳажмининг 1,7 фоизигача бўлган миқдорга кўтариши керак эди. Лекин ҳозирча мамлакат бу кўрсаткичга эришгани йўқ. Бош вазир А.Кубилюс мажбуриятни бажариш имконияти мавжудлигини айтди ва уни албатта бажаришга ваъда берди.

Кеча НАТО Бош котиби Жорж Робертсоннинг Латвияга икки кунлик ташрифи якунланди. Мамлакат ташқи ишлар вазири Индулис Берзинш журналистларга бу ҳақда маълум қилиб, мазкур ташриф Латвиянинг альянсга қўшилиш жараёнини тезлаштиради, деди. Аммо НАТОнинг навбатдаги кенгайиши ҳақидаги қарор 2002 йилда қабул қилинади. Демак, ушбу ташкилотнинг кенгайиши икки йилдан сўнг маълум бўлади.



Бугунги Канада.

БИР ЧИМДИМДАН

Буюк Британия АҚШнинг "юлдузлараро жанг" дастурида иштирок этмоқчи. Бу дастур кенг миқёсли ракета мудофаасини кўзда тутади. У амалга оширилса, қуролланиш пойгаси бошланиб кетиши мумкин. Лекин шунга қарамай, Тони Блэр Билл Клинтон билан суҳбатлашиб, Британия ороллари-да ҳам ракета мудофааси мажмуаларини барпо этиш истагини билдирди.

* * *

Интернет хабарларига қараганда, Афғонистонда толиблар томонидан БМТ миссияси ходимларига нисбатан яна қўпол муносабат билдирилгани учун халқаро ташкилот вакиллари бу мамлакатни тарк этди. Шу билан Афғонистон жанубидаги аҳолига кўрсатилаётган инсонпарварлик ёрдами ҳам тўхтаб қолди. Бу дори-дармон ва озиқ-овқатга муҳтож бўлган тахминан 200 минг кишининг тақдирини хавф остига солмоқда.

* * *

Эстониядаги чеченлар етакчиси Имрон Ахаев ушбу мамлакат Президентидан инсон ҳуқуқлари бўйича Европа судига мурожаат этиб, Россиянинг устидан шикоят қилишни сўраган эди. Эстония Президенти Леннарт Мери эса бу ишни қилишга ўзида ваколат мавжуд эмас, деб ҳисоблашини билдирди. Л.Мери Чеченистонни Россиянинг бир бўлаги сифатида тан олишини айтди.

* * *

РАТА-ТАСС ахборот маҳкамасининг хабар беришича, шу йилнинг биринчи чорагида Россия ташқи қарз бўйича кредиторларга 2,4 миллиард АҚШ доллари тўлади. Мамлакат молия вазирининг биринчи ўринбосари Алексей Кудрин Федерация Кенгаши мажлисида ҳам бу ҳақда гапирди. А.Кудриннинг таъкидлашича, жорий йилда Россия ташқи қарзининг 10,2 миллиард долларини ўз эгаларига қайтаради. Бу маблағнинг 4,6 миллиард доллари олинган қарзнинг устамасидир. 2000 йил якунида Россиянинг ташқи қарзи 158 миллиард долларга тенг бўлади.

* * *

Япония ҳукумати Хитой Халқ Республикасига 940 миллион иенлик беғараз ёрдам етказиб беради. Хитой ташқи савдо ва ташқи иқтисодий ҳамкорлик вазирлиги вакили Лун Юнту ва Японияннинг ушбу мамлакатдаги элчиси Танино Сакутаро бу ҳақдаги ҳужжатни имзолади. Ушбу маблағ Хитойнинг атроф-муҳитни ҳимоя қилиш борасидаги ахборот лойиҳаларини амалга ошириш учун сарфланади.

* * *

Туркия ҳукумати Албания қуролли кучларига 3 миллион АҚШ доллари миқдорида ҳарбий ёрдам кўрсатади. Икки мамлакат мудофаа вазирликлари вакиллари бу ҳақда келишув имзолади.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

НИЗОМИЙ НОМЛИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

қуйидаги кафедралар бўйича бўш ўринларга

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

ПРОФЕССОРЛАР:	педагогика, биология ва уни ўқитиш методикаси, ўзбек тили ва адабиёти ўқитиш методикаси;
ДОЦЕНТЛАР:	тиббий билим асослари, ёш физиологияси ва мактаб гигиенаси, фалсафа;
КАТТА ЎҚИТУВЧИЛАР:	демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти, жисмоний тарбия;
ЎҚИТУВЧИЛАР:	демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти (2).

Танловда қатнашишни хоҳловчилар Юсуф Хос Хожиб кўчаси, 103-уй, Низомий номли ТДПУ, ходимлар бўлимига мурожаат қилишлари мумкин. Тел: 55-68-70

Ректорат.

2728

Кулгумиз оламни тутсин

БИРИНЧИ АПРЕЛ

Бугун ҳамма кир ювар,
Ёлғоннинг совунига.
Зўр совға олиб кирдим,
Деҳқоннинг муовинига.

Эрларига қасд қилган,
Хотинларга кирди жон.
Ёлғонга иши тушмас,
Кишилар зору ҳайрон.

Кимки ҳазилкаш, дилбар,
Юзларида табассум.
Димоғдорлар эгилиб,
Камтарга қилди таъзим.

Бугун ростнинг ёлғони,
Ёлғончилар чинидир.
Асли биринчи апрел,
Ҳақиқатнинг кунидир.

Раҳмон АЛИ.

ҚЎЙ КЕЛАДИ...

Қўй келади, қўзи билан
Бир-бирининг изи билан...

Йигит юрар хиёбонда
Етаклашиб «қизи» билан.

Бугун тўғри келиб қолди,
Юлдузи юлдузи билан.

Бир туб райҳон ҳадя этди
Суғуриб илдизи билан.

Уйга элтиб меҳмон қилди
Хом қовун-тарвузи билан.

Кўк довучча олиб келди
Тақсимчада тузи билан.

Гапиролмай олинг дея
Имо қилди кўзи билан.

... Ўпмоқ бўлиб интилганди
Лек йиқилди юзи билан

Қиз ҳам кетди. Қолди уйда
Гаплашиб ўз-ўзи билан

Ҳикоянинг давомини
Сўзлармиз сўнг —
кези билан.

... Қўй келади, қўзи билан
Бир-бирининг изи билан.

Ширин СУХАН.

Қадриятларимиз

НОЁБ БОЙЛИК

Мустақил Ўзбекистонда Наврўз бутун борлиққа сепини ёйиб, диёр кезмоқда. Қаттиқ ердан юмалаб, юмшоқ ердан таталаб чиққан бойчечак — одамларга оламнинг яшаришидан, янгиланишидан, яшилланишидан дарак бериб, кулги-ю табассумни, қаҳ-қаҳани биздан ўрганинг, деяётгандек... Дарҳақиқат, кулган ёки табассумли юзни — гулчехра дейдилар.

Донолар, кишига кулгу бахш этмоқ — бир ботмон қанддан яхшироқ деганлар.

Кулгининг ҳам физиологик, ҳам ижтимоий фазилатлари бор. Кулгу ва табассум асаб ва юрак малҳамларидирки, унинг нафи чексиз. У шундай қудратли ижтимоий қуролдирки, жамиятимиз учун ёт бўлган иллатларнинг ярасига туз сепади, қинғир нусхаларнинг кирдикорларини фош қилади, авра-астарини очиб ташлайди, бундан яхшилар завқланади, ёмонлар эса ҳижолат ўтида ёнади.

Кулгу — дунёни англаш ва билиш воситасидир, дунё гўзалликларини қадрлаш, сақлаш ва кўпайтириш учун замондошларга ёрдам бериш, моддий ва маънавий қадриятларни яратувчиларни ҳурмат қилиш руҳида тарбиялаш, ҳақиқат ва адолатга ишонч уйғотиш, тинчлик, инсонпарварлик ва тараққиёт ғояларини тарғиб этишда, жонбозлик қилишда унинг хизматлари беқиёсдир.

1999 йилнинг 7 декабрида муҳтарам Президентимиз Ислом Каримов республикамизнинг бир гуруҳ турли соҳа ходимларига давлатимизнинг юксак мукофотларини топшираётиб, шуларнинг орасида аския санъатига хизмат қилган аскиячиларни эъзозлаб, бу санъат ривожига катта урғу бердилар.

Ушбу жанр — сўз сеҳри жозибаларининг ранго-ранг товланишларини, мустақил фикр юритишни, мантиқли, ёқимли сўзлаш нафосатини, зукколикни, чаққон фикр юритишни талаб қилади.

Муҳтарам зот, Шарқнинг буюк алломаси имом Ат-Термизий «Шамоли Муҳаммадийя» номли рисолаласида Жаноби Расули Акрам саллолоҳу алайҳи васалламнинг кулишлари ҳақидаги баёни бобида: «Ҳазрат Абдуллоҳ ибн Хорис Розиёллоҳу анху дебдирлар: Мен жаноби Расули акрам саллолоҳу алайҳи васалламдан зиёда табассум қиладиган бир зотни кўрмадим. Яъни, кулишларида табассумлари зиёда эрди. Ёки ўзлари нақадар ғамда бўлсалар ҳам, саҳобаларга табассум ила мулоқот этур эдилар».

Ўзбеклар серзавқ, табассумга мойил, кулгуга ўч халқдир. Қизиқчилик ва аския руҳиятларига сингиб кетган.

Аллоҳга минг қатла шукурларким, мустақил Ўзбекистон Республикаси ташкил топиб, халқимиз келажак сари шаҳдам қадамлар ташламоқда. Бу борада халқнинг руҳини кўтарувчи ижтимоий қуроллардан бири бўлмиш кулгу воситасига мунтазам эътибор этадиган вақти келди.

Аския, қизиқчилик ва масхарабозликни ўйлаганимизда кўз ўнгимизда Хўжа Насриддин тимсоли гавдаланади. Хўжа Насриддин руҳи кезиб юрган бу заминда кулгу маскани очиш ҳақида республика матбуотида қатор чиқишлар қилиб, кўпгина мутахассислардан, кенг жамоатчиликдан таклиф ва фикрлар олган эдик. Инсон маънавиятини нурлантириб, кайфиятини бардам этиб, камолот сари етаклайдиган ушбу кулгу маскани кўпгина олимларни — санъатшуносларни, элшуносларни, руҳшуносларни, деонтологларни ҳамда ҳажвчи шоир ва ёзувчиларни, рассомларни, аскиячи ва қизиқчиларни бирлаштирган уюшма бўла олур эди.

Ҳозир АҚШда Кулгу (Гелотология) институти, Болгариянинг Габрово шаҳрида Сатира ва юмор итнститути ва музейи, Югославияда эса юмор академияси ишлаб турибди.

Юртимизнинг бойликлари кўп, аммо халқнинг кўтаринки кайфияти ва руҳияти ноёб бойликдир. Кулгу, табассум — халқимизнинг соғлиги ва саодатидир. Шу бойликни эъзозлайлик.

Билол АМИНОВ,
тарих фанлари номзоди, элшунос олим.

Фарғонача сершира кулгига йўғрилган «Олтиариқ ҳангомалари» туркуми, мана йигирма йилдирки, матбуотимиз саҳифасидан тушмай келмоқда. Бу ичакузди ҳангомалар ниҳоят бир жойга жамланиб, «Маънавият» нашриётида китоб ҳолида чоп этилганлиги 1 апрел – Кулги куни арафасида қаҳқаҳасеварларимиз учун ажойиб туҳфа бўлди.

Анвар Обиджоннинг «Олтиариқ ҳангомалари» китобидан, ҳаётий латифалардан ташқари, бир қанча ҳажвий ҳикоялар ҳам ўрин олган. Шулардан бирини эътиборингизга ҳавола қилмоқдамиз.

Анвар ОБИДЖОН

ХОРИЖ РАДИОСИ ВА... КАЛИШ

Пул алмаштирилаётган бонкани эслатувчи тиқин бекатда Эговмат агитчининг: «Фрунзенинг ҳайкалини-ку мажақлашди, лекин тагидаги отда нима айб?» – деган сўзини мулоҳазамда эзғилаб турувдимки, елкамга «шап» этиб тушган қўл хаёлимни бўлди. Оғзида пиванинг қолдиғи кўпираётган айвонпешана банда мени ўзига ўгириб, кўзимга шўнғишга интилди:

– Калишимни нима қипқўйдинг, ука?

Учоқларни, ҳарбий кемаларни ўмаришга ўтган замонамиз чаккибосарлари шаънига иснод бўлиб ёғилгувчи бу хархашадан довдираб қолдим. «Қанақа калиш?» – дея анқайиб савол бердим.

– Таши қора, ичи қизил... Патаги гулдор шолчадан...

– Калла жойидами? Менга калишингизнинг нима кераги бор?

Айвонпешананинг кўзи гилосдан ситилаётган данакдек бўртиб чиқди:

– Ҳа керакмас-а! Керак бўлмаса, осонгина дўппи турганида, атай оёғимдагини илиб кетармидинг? Калишимни нима қипқўйдинг, ука?

Бекатда улов кутавериб диққати ошганларга эрмак ўз оёғи билан келди, «чўқи-чўқи»га итқитилган хўрозлардек жонли доиранинг ичида қамалдик-қолдик. Бировнинг кулфатидан томоша ясовчилар бемаъниликдан маъни қидиришга уринишади.

– Улар жонга нимани талашяпти булар?

– Ким кимни шилибди ўзи?

– Анави манавининг калишини ёпиштирганга ўхшаяпти.

Айвонпешанани эса шу топда на атрофдагилар, на атрофдагиларнинг фикри қизиқтираётганиди.

– Айбим анави супада сал кўзим илинганими? – дея хуружни давом эттирди у. – Кунинг менга қолганакан, пайпоқни уриб кетавермайсанми, жўлик. Ялангоёқдан кўра қўлантаёқ юрсам, элда бунчалик беобрў бўлмасидим. Ма, буниям ол энди!

Шундай деди-ю, қўлидаги сахтиён пайпоқни юзимга отди. Тўқсон биринчи йилнинг ўн тўққизинчи августида бир пиёниста уйимга туйқус кириб келиб, ГКЧПнинг мазкур маҳалла бўйича фавқулодда вакили экани, унга олий маълумотлилар хонадонидаги ароқларни мусодара қилиш топширилганини айтганида, бисотимда лоақал бирор қултум мусаллас йўқлигидан ўта ноқулай аҳволда қолган эдим. Шу чоғдаги хижолатпазлик ундан ҳам ўтиб тушди.

– Менга қаранг, ака... жон ака, – дедим, айвонпешанага ялинчоқланиб, – дўконни қўйиб турайлик, энг зўр калиш чайқовда қанча?

– Кавланма! – дея чўнтагимга суқилаётган қўлимни шапатилади у. – Сабзипўчоқ рўбилингни эчкингга сол. Бир ётиб тургунингча ғугурт уч миллиён бўпқоладиган тўқсон учинчи йилда юрибсан. Менга молимни бер... Калишимни нима қипқўйдинг, ука?

Қарасам бўлмайдиган. Рақибдан баланд келиш учун бақириб кўриш услубини танладим:

– Ҳов, мирзағофил, мени ким деб ўйлаяпсиз? Таниқли зотларданман! Каттакон бир симфоник оркестрда гўснўғорачиман! Нима, калишингизни олиб бориб, ошнамнинг гармонига ямақ қиламанми?

Томоша ясовчилар энди мен томондаги паллага ўтишди.

– Тўғри-да, шу одам калишга зорми?

– Оёғидаги патинкани қара, мингталигингни тепиб ўтаман деб турибди.

– Ҳў, пешанаси ишган, қўйвор ноғорачини!

Бекатдаги ғала-ғовур бозордан чиқаётганларнинг ҳам эътиборини тортиб, теграмиздаги «хўрозбоз»лар кўпайгандан кўпайиб бораётганди. Юрагимни ғулғула қоплади. Бирорта оғзи маймоқ: «Туй иккаласиниям!» деворса борми?

Хайрият, даврада шу ўрамнинг назоратчи миршаби пайдо бўлди. «Нима гап? Бизга қандай шикоятлар бор?» – дея чимирилди у. Мен то сўзга оғиз жуфтлагунимча айвонпешана ташаббусни дангал қўлга олди:

– Пешанам қурсин, ука, калишни урдирвордим. Гумоним манавиндан!

Миршаб даъвогарнинг арзини чала-чулпа эшитибоқ, қўлимдаги дипломатга алоҳида шубҳа билан боқди. Кутичани очиб кўрсак бўладими, дея қўл чўзган эди, бу нарса меники эмаслигини айтиб, тихирланганимча ортга чекиндим.

Дипломат ростданам меники эмасди. Ҳар гал ишхонамга ҳол сўраб кирганида гоҳ шамсиясини, гоҳ шляпасини, баъзан ҳатто сигаретини унутиб қолдирувчи дўстим доктор Паришоний бугун дипломатини эсдан чиқариб жилворгани, бировнинг буюмини титиш эса одоб қоидаларига тамоман хилофлигини тушунтиришга уринаётганимда, айвонпешана жон-жаҳди билан яна ёқамга ёпишди:

– Намунча гапни айлантирасан, вей? Калишимни нима қипқўйдинг, ука?

Томоша ясовчилар қайтадан нариги паллага оғишди.

– Дипломатни очмаяпти. Бир гап бор.

– Шу эплаштирган-да. Кампазитирдан ўғри чиқмайди деган ҳадис йўқ, оғайнилар.

– Ҳў, мелиса, маҳкам ушла ноғорачини!

Оломондан оқ фотиҳа олган миршаб қатъий тарзда буюрди:

– Кутичани очинг деяпман! Очинг яхшиликча!

Беодоблик қилишга мажбурлик одобсизликка кирмайди. Дипломатни очишга жазм этдим. Аммо очолмадим. Қулфи рақамли ғилдиракчалар билан тилсимланган экан. Миршаб ҳам ғилдиракчаларни айлантириб, ҳар хил сонларни териб кўрди. Билими етмади.

– Қулфни қасддан чалкаштирворибсан-ку, кунжара еган, – деб пишқирди айвонпешана. – Калишимни нима қипқўйдинг, ука?

Бу орада томоша ясовчиларнинг сафи кенгая бориб, оломон катта кўчанинг ярмигача ёйилиб улгурган эди. Шу пайт сарғимтил ойнали башанг машина «вапап-вапап» қилганича орага ёриб кириб, бекат яқинида тўхтади. Ундан тушган қора кўзойнакли кимса миршабни ёнига тортиб, ниманидир суриштирди. Миршаб унинг қулоғига бош тиққудек бўлиб, узоқ шивирлади. Тим қора кўзойнакнинг ортидаги нигоҳ дам мени, дам айвонпешанани диққат билан кузатаётганини аниқ сезиб турардим. Миршаб бор сепини ёйиб бўлгач, қора кўзойнакли кимса салобат билан келиб, айвонпешанага биқин тиради:

– Чиқинг машинага. Калишни ўзимиз ташкил қиламиз.

– Вей, гадоймасман мен, – жиззакиланди айвонпешана. – Зўр бўлсанг, анавинга осил, ука. Очсин сандиқчасини.

Томоша ясовчиларнинг жовур-жувури авжга минди.

– Ҳақ гап! Очсин дипломатини. Кўрайлик.

– Ҳамманг битта ялангоёққа ёпишволасанми?

– Кампазитир қутисини очсин. Гап тамом!

Оломонни тарқатишга кучи етмаслигини сезган миршаб жовдираганича қора кўзойнакли кимсага тикилди. Қора кўзойнакли кимса доктор Паришонийнинг қаерда яшашини мендан сўраб билгач, шоферини уни олиб келишга жўнатди.

– Калишингиз қутичадан чиқмаса, ўзингиздан кўринг, – дея айвонпешанага ўдағайлади миршаб.

– Менга пўписа қилишга ҳеч кимнинг ҳакки йўқ! – миршабга бўйин чўзди айвонпешана. – Ориш ветериниким мен!

Туришидан. гирмон уруши учун ёшроқ, афғон уруши учун кексароқ кўринувчи бу нусханинг сўнгги сўзлари бир мендагина гумон уйғотиб қолмаган экан. «Масалан, қайси жангларда иштирок этгансиз, акахон?» – деб савол берди қора кўзойнакли кимса.

– Кўча жангларида қатнашганман! Нимайди?

– Сталинграддаги кўчадами, ёки...

Айвонпешананинг кўзлари саросимали ўйнаб: «Норозиман! Адолатсиз тергов бу!» – дея гап бошлаган эдики, оғзининг олдида сопи узун микрофон пайдо бўлганини кўриб, ҳалқумига чандир тиқилгандек «ҳиқ» этиб тўхтаб қолди. Сўнг, одамлар ортидан бўйланган қўйи микрофон тутиб турган тиржайма йигитга чақчайиб деди:

– Хўш? Сабаб?

– Чет эл радиосиданман, – чийиллади тиржайма йигит. – Нимадан норозисиз? Бу намойишнинг сабаби нима?

– Намойиш? – терисидан чиққудек бўлиб бўкирди айвонпешана. – Ким нимасини намойиш қипқўйибди? Ҳеббивой одамларни тўплаб бирор нарсасини кўрсатяптими? Е сенларга арз қилганиминан давлатингдан искабтопарлар келиб калишимни топиб берадими? Ол нарёққа! Ҳе никрапунингга Ҳайёмни рубойиси!

Яна ўша «вапира-вап»лар янграб, башанг машинада доктор Паришоний ҳам етиб келди. Машинадан тушаётиб мени кўрди-ю, негадир ранги бўзариб кетди. «Манави диплома сизникими?» – деб сўради ундан қора кўзойнакли кимса. Паришоний тасдиқлагач, «очинг» деб фармон берди. Титроқ бармоқлар тилсимланган рақамларни теришга тутинди. Қулф шарақлаб чертилди. Миршаб дипломатни қўлига олиб, қопқоғини очди. Унинг ичида... не кўз билан кўрайки, шолча патакли бир жуфт эски калиш эгизак маймунчалардек ишшайиб турарди. Дамим ичимга тушиб, тарракланиб қолдим. Атрофдагилар тенгдан оҳ тортиб юборишди.

Доктор Паришонийнинг қораси кўрингандаёқ, бирдан қоши иланг-билан бўлиб, ўзини миршабнинг панасига олишга уринган айвонпешана «ҳа эсим қурсин-а» дея бошига шапатилаб мунғайди.

– Йе, ўзлари шўттамилар? – айвонпешанага кўзи тушиб, доктор Паришонийнинг юзига қон югурди. – Ҳе, Ҳебби полвон бўлмай, ҳар нарса бўлинг. Молдек ичволиб, транспортни чойхонада қолдириб кетибсизку. Тожи-самовар эланиб ётиб, калишингизни қўлимга тутқазувди. Қачонгача буюмларингизни ортингиздан йиғиб юраман, қўшни?

... Уйга келиб ҳам кайфиятим очилмади. Юрагимда кимдир ҳануз хамир қорар, бутун бошли роқгуруҳ миямни тепалаб рақс тушаётгандек эди: «Қандай шармандалик! Мухлисларимдан баъзилари ўша бекатдаги аҳволимни кўрган бўлишса...»

Ҳовримни босиш учун айвондаги пақирдан муздек сув симирдим. Уй ичидан «чув-в, чув-в» қилиб таралаётган товуш ҳам бошимни чўқилаётгандек туюлди. Нодон кенжатойим ҳақиқатни яна хориж радиосидан қидиряпти, чоғи.

Ён-веримдаги хонадонлар билан алоқани яхшилаш мақсадида кейинги пайтлар уйда машқ қилмай қўйганидим. Шу топда бирон-бир латиф куй чалиб, ўзимни овутгим келди. Илҳом иситмасида ўрнимдан туриб, йигирма пудлик хумни эслатувчи жонажон гўснўғорамга яқин бордим. Қайраҳочдан ясалган ураҳни қозиқдан олиб, сопидаги қайишни билакка илаётганимда, ичкаридаги радионинг чувиллашлари тиниб, ниҳоят одамзотнинг овози янгради: «...бозор олдидаги бекат майдони одамга лиқ тўлиб кетган. Мухбиримизнинг фикрича, бу каттакон намойишга калиш етишмаслиги сабаб бўлган».

Сухандон: «Собиқ Шўро империёсининг бошқа ҳудудларида ҳам...» дея ахборотини давом эттираётганида, ўзимни сабрсиз оламнинг можаролари саҳнасидан четроққа олиб қочишга тиришиб, гўснўғорамда зўр бериб «Алқамбар»ни чала бошладим:

– Гум-гум! Гумбира-гум! Гум-гум! Гумбира-гум!..

«ХАЛҚ СЎЗИ»
«НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир ҳайъати:
Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Халқ сўзи»),
М. ЕГОРОВ (масъул котиб — «Народное слово»),
Ш. ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»),
С. ЗИНИН,
М. МИРАЛИМОВ,
С. МУҲИДДИНОВ,
Ш. РИЗАЕВ,
М. САФАРОВ,
Р. ФАРҲОДИЙ,
И. ХУДОЁРОВ,
И. ШОҒУЛОМОВ,
О. ҚАИПБЕРГЕНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»),
Ў. ҲОШИМОВ.

БЎЛИМЛАР:
Ижтимоий-сиёсий ҳаёт — 133-57-34;
Ҳуқуқ — 136-07-94;
Иқтисодиёт — 136-36-65; 132-10-65
Маънавият ва маърифат — 136-35-60;
Хатлар — 136-29-89, 133-07-48;
Фан, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий масалалар — 132-12-08;
Ахборот, спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик — 132-11-15;
Халқаро ҳаёт — 132-11-15;
Котибият — 133-10-28;
Эълонлар — 136-09-25.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00001
Буюртма Г — 286, 23728 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

Газета PENTIUM-II компьютерида терилди ҳамда операторлар С. ЛУКИН ва Ж. ТОҒАЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — Ю. ҲАМИДОВ.
Навбатчи муҳаррир — Ф. САНАЕВ.
Навбатчи — F. ШЕРМУҲАММАД.
Мусаҳҳиҳ — А. САТТОРОВ.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Босишга топшириш вақти — 21.00
топширилди — 21.20
1 2 3 4 5 6

ТАШКИЛОТ
ДУ-20, ДУ-50 мм. пўлат қувурларни сотади.
Мулоқот учун телефонлар: 41-31-72, 41-29-94, 41-25-72, 41-22-61, 41-27-04.

Тошкент шаҳар Чилонзор туманидаги М. Ч. Ж. «Сирожиддин–Нажмиддин» фирмасига тегишли 1998 йилда тайёрланган «Ер ва бино кадастри» асл нусха ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли ҳужжатлар бекор қилинади.

«Меҳнат» нашриётининг жамоаси нашриётнинг собиқ ходими **Абдуворис АБДУМАЖИДОВнинг** вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия билдаради.

Минтақавий банк ўқув маркази жамоаси ўқув масалалари бўйича бош директорнинг муовини Замир Абдураҳманович Холмахмадовга отаси **Абдураҳмон ХОЛМАХМАДОВнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.